Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 215 (6. 406) 1987 йил 21 сентябрь, душанба Баҳоси 3 тийин

КАТТА ҚУРИЛИШ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон пойтахти Жанубий вокзал территориясида катта қурилиш бошланди. 351-қурилиш-монтаж поездининг бригадалари бу ерда билет кассалари биносини бунёд эта бошладилар.

Жанубий вокзал қуриб битказилганида бир ноқулайлик кўзга чалиниб қолди: билет кассалари қутиш залида жойлашган эди. Одамларнинг ҳаловати йўқолди, кутиш зали кеча-кундуз гавжум бўлгани туфайли кассирлар, хизмат кўрсатувчи ходимлар тез толиқиб қолишарди. Йўловчилар эса, офтоб тиғида ва ёмғирда қолиб поезднинг жўнашини кутишарди.

Шу боисдан ҳам янги зал қуришга қарор қилинди. Ойна ва бетондан қурилади-ган бинода 18 та касса бўлади, ҳозиргидан анча кўпдир. Кутиш зали ҳам бўшайди, бу ерга юмшоқ ўриндиқлар, телевизорлар ўрнатилади.

Жанубий вокзалда шитоб билан қурилаётган бошқа объектлар ҳам бор. Яқинда темир йўл устида пиёдалар учун кўприк қуриб битказилди. Шу вақтгача поездга чиқишга шошилаётган йўловчилар рельсларни хатлаб ўтиб, платформага чиқар эдилар.

Темирйўлчилар йўловчиларнинг фикри-мулоҳазаларини тез инобатга олишди, улар бу гал «йўловчи ҳамиша ҳақ» деган қоидага амал қилишди.

(ЎзТАГ).

«Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллиги

«Совет Шарқи аёлиман»

«Келдн очилур чоғнинг,
Ўзлигинг намоён қил.
Парчалаб кишанларни,
Ҳар томон паришон қил».

Бундан роса олтмиш йил муқаддам Ўзбекистон днёри узра ҳар бир қишлоқда, ҳар бир хонадонда жўшқин янграган бу қўшиқ куни-кеча пойтахтимизда нишонланган катта тантанада яна маънодор куйланди. Икки кун давомида Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги ва «Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллигига бағишланган тантаналар улуғ айём арафасидаги умумхалқ шодиёнасига айланиб кетди.

Улуғ Октябрь тантанасидан кейин ўша алангали йилларда ҳақиқий ҳуррият. — хотин-қизларнинг озодлиги учун қизғин борган кураш палласида Ўзбекистонда юз минглаб паранжили алангага улоқтирилди. Бу кураш қурбонсиз бўлмади. Зулайҳо Ҳамроевани эри ёқиб юборди, Сурмахон Шерматова ваҳшийларча ўлдирилди, театр саҳнасига чиққан 14 ёшли Нурхон акасининг чангалида нобуд бўлди.

Тантанага йиғилган, бугунги кунда табаррук ва нуроний ёшга етган онажонлар, опажонлар, сингилжонлар ва мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган меҳмонлар ўша ҳалок бўлган жасоратли аёлларнинг номларини ифтихор билан ёдга олдилар.

Шу муносабат билан 19 сентябрь куни В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида «Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллигига бағишланган байрам тантанаси Улуғ Октябрь ғалабаси, леннича доно сиёсатнинг чексиз амалга ошганлиги, совет Шарқи, қолаверса бутун бепоён Совет Иттифоқининг хотин-қизлари озод ва ҳур даврда яшаётганликларининг ёрқин намойишига айланди. Бу ерда бўлган маросимга Ўзбекистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларидан, қўшни ўлкалардан минглаб ҳурмат қозонган хотин-қизлар вакиллари тўпландилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлаб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллигига бағишланган тантанали мажлис қатнашчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттиради. Бу табрик олқишлар билан кутиб олинди.

Тантанали мажлисда республика хотин-қизлар совети президиумининг раиси, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Х. А. Алимова қилган докладда, Совет Хотин-қизлар комитетининг раиси, СССР Олий Советининг депутати З. П. Пухованинг табрик сўзларида, сўзга чиққан иттифоқ аҳамиятига молик пенсионер, «Ҳужум» ҳаракати қатнашчиси, Ленин ордени кавалери М. Иброҳимова, Гулистондаги қурилиш трестининг мастери, КПСС XXVII съезди делегати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор Ф. С. Голубцова, партия ветерани, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Хусенова, олий милиция мактаби тингловчиси, жангчи-интернационалист, Қизил Юлдуз ордени кавалери А. Гулов, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правленнеси раисининг ўринбосари, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати А. Орипов, партия ва меҳнат ветерани, Самарқанд областида «Ҳужум» ҳаракати актив қатнашчиси О. Умароваларнинг фикрларида совет Шарқи хотин-қизларининг паранжи ташлаб ҳуррият қозонган ҳаётга чиқиши катта социал инқилобий аҳамиятга эга бўлганлиги таъкидланди. Бу тантанали маросимнинг қатнашчилари партия йўлланмасига биноан Россиядан Ўрта Осиёга келган ва Шарқ хотин-қизларининг озод бўлишида қалб амри билан фидойилик кўрсатган И. И. Финкельштейн, С. Т. Любимова, М. Ф. Муратова, Л. А. Отмар-Штейн, Е. А. Росс, Т. П. Аринкина, Р. Г. Шеришевская сингари кишиларнинг номларини ҳурмат билан тилга олдилар.

Бу тантанали маросимда ўзининг ҳалол меҳнати билан эл-юрт олдида ҳурмат қозонган шаҳримиздаги 22-болалар уйи директори А. П. Хлебушкина, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академиги Г. А. Пугаченкова, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси медицина саноати технология илмий тадқиқот институтининг лаборатория мудири Муҳаббат Обидова, СССР халқ артистлари Ҳалима Носирова, Тамарахоним, Сора Эшонтўраева, Ойимхон Шомуродова, Галия Измайлова, Бернора Қорниева, Дилбар Абдурахмонова, шоира Зулфия, таржимон Кибриё Қаҳҳоровнинг номлари фахр билан тилга олинди. Шундан кейин Ўзбекистон санъат усталари ижросида концертлар берилди.

Кеча пойтахтимизнинг барча майдонлари ва проспектлари бўйлаб бу тантана кун бўйи яна давом этди. Эрталаб «Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллиги тантанаси қатнашчилари Ленин ҳайкали пойига гуллар, Номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйдилар.

Шундан кейин пойтахтимизда «Шарқнинг озод аёли» ёдгорлигини очиш маросими бўлди.

Ҳайкал олдидаги очиқ майдонда бу шодиёнани мадҳ этувчи спектакль ижро этилди. «Ҳуррият» рақсининг тантанали музика садолари оҳангида хотин-қизлар ҳайкал олдига яқин келадилар.

Ёдгорлик пойида спектакль ижроси давом этади. Зебо Ғаннева номидаги фронтчи қизлар бригадаси ансамбли қўшиқлар куйлайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, Совет хотин қизлар комитетининг раиси З. П. Пухова, республика хотин-қизлар совети президиумининг раиси, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Х. А. Алимова лентани қирқадилар.

Ҳайкал очилиши маросимида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Мирсандов, биринчи ўзбек машинисти ва парашютчи Б. Мирбобоева, Тошкент тўқимачилик комбинати тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Е. А. Губина, Қаҳрамон она Н. Усмонова, БМТ Хотин-қизлар социал ривожланиш программалари ЭСКАТО координатори Р. Л. Миранда, ҳайкалтарош Л. Г. Рябцев сўзладилар.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат гимни янграйди. Ҳайкал пойига олтин куз фаслининг анвойи гуллари қўйилади.

«Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллигига бағишланган тантаналарда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлар Т. А. Алимов, В. П. Анишчев, В. А. Антонов, П. В. Догонкин, А. С. Икромов, В. Н. Лобко, В. И. Огарок, М. Ҳ. Ҳолмуҳамедов, Б. Ф. Сатин, В. А. Хайдуров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари И. Искандаров, Қ. Ҳ. Маҳамадалиев, В. В. Сударенков, С. У. Султонова қатнашдилар.

Ўтган куни ва кеча кечқурун оқшом чоғида «Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллиги тантанаси қатнашчилари, тошкентликлар, шаҳримиз меҳмонлари В. И. Ленин номидаги майдонга ташриф буюрдилар. Бу ерда театрлаштирилган катта байрам томошалари бўлди. Ўзбекистоннинг энг кўзга кўринган ижодий коллективлари, етакчи хонандалари, бадиий ҳаваскорлик кўрикларининг ғолиблари байрам шарафига маҳоратларини намойиш этдилар.

А. ПЎЛАТОВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

СУРАТЛАРДА: Тошкентда «Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллигига бағишланган тантаналардан лавҳалар.
Р. Шарипов фотолари.

Замондошимиз



ЭЛ ХИЗМАТИДА

Шундай одамлар борки, уларга таҳсин айтгинг келади. Ҳаёт ташвишлари ва қувончларини қалбига жо этиб гулгун замонамиз янада гуллаб-яшнашига ҳисса қўшиш улар учун одатдаги ҳолга айланган.

«Средазгазавтоматика» заводида бўлган киши шундай меҳнат фидойилари бу ерда кўпчиликни ташкил этишига ишонч ҳосил қилади. Уларнинг жонкуярлиги заводда қайта қуриш ишининг амалга ошишида муҳим роль ўйнаяпти. Юқори разрядли электр пайвандловчи Файзулла Тўлаганов ҳам корхонанинг ана шундай заҳматкаш ишчиларидан бири. У ишга ижодий муносабатда бўлиш билан бирга маҳсулот сифати юқори бўлишини таъминлаш учун жон куйдириб ишлайди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар мамлакат газ саноати комплекслари учун жуда зарур. Агар унда бирон-бир англашилмовчиликка йўл қўйгудек бўлса бутун коллективнинг меҳнати зое кетади. Ортиқча куч ва маблағ сарфлаш эса корхона молиявий аҳволига таъсир ўтказади. Биринчи тақдимдаёқ ўз маҳсулотини сифат назоратчиларига тақдим этишга эришаётган Файзулла Тўлагановнинг иш услубидан кўпчилик ўрнак олишга интилади. Унинг ажойиб фазилатлари эса ёш ишчиларга сабоқ бўлгудек.

Юқори разрядли электр пайвандловчи Файзулла Зиёмуҳамедов олти йилдан буён корхонада баракали меҳнат қилиб келмоқда, маҳоратини ёшларга қунт билан ўргатаётир. У оилада меҳрибон ота, ғамхўр етакчи бўлса, иш жойида ҳурматга сазовор ишчи, эл хизматкоридир.

Маҳаллий Советларга шу йил бўлиб ўтган сайловларда кўпчилик касбдошлари уни халқ депутатлари шаҳар Советига депутат этиб сайлашди. Юксак ишончга сазовор бўлган моҳир ишчи айни кунларда уларнинг накази асосида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни уддалаш учун қунт ва сабот билан изланмоқда.

СУРАТДА: Файзулла Тўлаганов.

Газетхон—газета—газетхон

«ОҚШОМ»НИНГ САЙЁР РЕДАКЦИЯСИ ОКТЯБРЬ РАЙОНИДА БЎЛАДИ

Индинга, 23 сентябрь, чоршанба куни соат 17 дан то соат 19 га қадар Октябрь район партия комитетида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси раҳбарлари ҳамда ходимларининг Октябрь райони меҳнаткашлари билан учрашуви бўлиб ўтади.

Бу — «Оқшом» редакциялари ходимларининг шаҳримиз районларига бешинчи марта коллектив равишда ташриф буюришидир. Бундан кўзланган асосий мақсад Октябрь райони меҳнаткашларининг ҳаёти, қайта қуриш жараёни муносабати билан пайдо бўлган муаммо ва ташвишлар, хўжаликни, экономикани бошқаришнинг янги усулларига ўтишга тайёргарлик пайтида дуч келинаётган вазифалар билан янада чуқурроқ ва атрофлича танишишдир.

Маълумки, бундан аввал биз Ленин районига сафар қилган эдик. Ана шу сафар чоғида тўпланган бой материаллар кейинчалик «Оқшом» саҳифаларида бир қанча проблематик мақолаларни ёритиш имконини берди. Жумладан, партия сафларини мустаҳкамлаш бўйича «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасида олиб борилаётган ишлар, бу борадаги эътиборсизликлар, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида қайта қуришнинг муҳим бўғини бўлмиш Давлат қабули амалда қандай самара бераётганлиги, районда фойдаланишга топширилаётган уйларнинг сифати тўғрисида, район меҳнаткашларининг бўш вақтларини ўтказиш билан боғлиқ муаммолар, улар истиқомат қиладиган жойларда жисмоний тарбия ишларининг қандай йўлга қўйилганлиги ва бу борадаги муаммолар, Туркистоннинг оташқалб комиссарлари тўғрисидаги дил сўзлари-ю, қайта қуриш ва жадаллаштириш борасида олиб борилаётган кенг қамровли бошқа ишлар тўғрисида атрофлича фикр юритилди.

Октябрь районида 23 сентябрь куни бўладиган учрашув пайтида ҳам район муаммолари хусусида сўз боришига, янги мавзуларнинг айтилишига шак-шубҳа йўқ. Лекин «Оқшом» журналистлари бу борадаги изланишларини аллақачоноқ бошлаб юборишган. Улар райондаги меҳнат коллективларининг, корхона ва ташкилотлар, илмий-тадқиқот институтлари, соғлиқни сақлаш муассасаларининг фаолияти билан атрофлича танишмоқдалар. Бундан уларнинг кўзда тутган мақсади шонли революцион ва меҳнат анъаналарига эга бўлган, Улуғ Октябрь номи билан аталувчи район меҳнаткашлари ҳаётини тўлақонли ёритишга бўлган интилишдир.

Биз сизларни Октябрь район партия комитетида бўладиган учрашувда кутамиз. Унда редакция ходимларидан ташқари район раҳбарлари ҳам иштирок этишади. Лекин сиз ана шу учрашувнинг сиртқи қатнашчилари ҳам бўлишингиз мумкин. Бунинг учун 23 сентябрь куни 41-06-50, 41-02-61 рақамли телефонлар орқали соат 11 дан то соат 17 га қадар (тушки танаффус соат 13 дан соат 14 гача) қўнғироқ қилишингиз мумкин. Сизлар таклиф этган ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалалар қараб чиқилади ва имкони борича ҳал этилади.

Сайёр редакция материаллари газетанинг яқин сонларидан бирида эълон қилинади.

Яна бир бор сизларга эслатиб ўтмоқчимиз: учрашув Октябрь район партия комитетида соат 17 дан то соат 19 га қадар ўтказилади.

Унинг сиртқи қатнашчилари эса шу куни соат 11 дан то соат 17 га қадар 41-06-50, 41-02-61 рақамли телефонлар орқали қўнғироқ қилишлари мумкин.

Об-ҳаво ва саломатлик

21 СЕНТЯБРДАН 27 СЕНТЯБРГАЧА

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби профессор Н. М. Мажидов таҳрири остида.

Шу ҳафтанинг боши ва охирида мамлакатимизнинг Европа қисмидан Ўрта Осиё территориясига салқин ҳаво оқимининг кириб келиши кутилади. Кечаси 5—10, кундузи 19—20 даража иссиқ бўлади.

Ҳафтанинг ўртасида эса ҳаво бир оз исиб, ҳарорат кечаси 9—14, кундузи 26—31 даража бўлади.

Ҳафтанинг ўртача ҳарорати меъёридан бир оз пастроқ.

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти медик об-ҳаво маълумотлари ва профилактикаси марказининг маълумотларига кўра, салқин ҳаво оқимининг ўлкамизга кириб келиши, бу пайтда ҳароратнинг бир оз пасайиши, атмосфера босими ва ҳаво таркибида кислород зичлиги дам-бадам ўзгариб туриши бемор кишиларни безовта қилиши мумкин. Бундай пайтда юрак, томир ва мия шамоллаши хасталигига чалинган беморлар ўзларини нохуш сезадилар, уйқунинг бузилиши, бош оғриши ва айланиши мумкин. Бундан ташқари, ички аъзолар ва ўпка хасталигига учраган беморларда бир оз оғриқ пайдо бўлади. Гипертония касалларида қон босими ошади ва мия томирларида қон айланиши тезлашади.

Бундай тоифадаги беморларни парвариш қилиш мақсадида врач кўрсатмасига биноан ҳафта давомида қон босимини бир маромга соладиган ва оғриқ қолдирадиган чора-тадбирларни кўриш лозим. Бўғинлари шамоллаш ва асаб хасталигига учраган беморларга оғриқ қолдирадиган дори-дармонларни қабул қилиш маслаҳат берилади.

Меҳнат байрамига тараддуд

Москва саноат корхоналари коллективларининг Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб, коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги ташаббусини шаҳримиз меҳнаткашлари қизғин қўллаб-қувватлашмоқда.

Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводининг меҳнат аҳли бу ташаббусни қўллаб-қувватлаб ўтказган митингида кўпгина новатор ишчилар сўз олиб шанбаликни чинакам меҳнат байрамига айлантириш ҳақида гапирдилар.

Тепловоз ремонтчилар шанбалик куни иккита электр тортиш двигателларини ремонтдан чиқаришади, 2000 дона тормоз мосламасини қуйишади, битта дизель созланади, иккита компрессор ремонтдан чиқарилади, 20 та шпал мойлайдиган вагонча тайёрланади, 18,6 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ҳозирланади.

Д. МАЖИДХЎЖАЕВА.

Илғорлар аҳди

Агрегат заводининг ишчан коллективи ватанпарварлик ҳаракатини мамнуният билан қарши олди. Корхонада умумхалқ ҳашарини уюшқоқлик билан ўтказиш учун ҳозирданоқ тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Бу ерда тузилган шанбалик штабининг илк фаолиятиданоқ ишчи-хизматчиларнинг шу кунни катта меҳнат байрамига айлантириш ниятида эканликлари аён бўлиб қолди. Унда 1500 ишчи-хизматчи актив қатнашади. Уларнинг ҳаммаси катта ҳажмда ободонлаштириш ишларини амалга ошириб, заводнинг спорт-соғломлаштириш базасини, корхона атрофидаги майдонни тартибга келтирадилар.

Цех ва ишлаб чиқариш участкаларида эркин меҳнат байрами шодиёнаси авжига чиқади. Шу кунн ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ялпи ҳажми 100 минг сўмликни ташкил этади. 2 минг сўм пул ўн иккинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

Меҳнат байрамида 2-цехнинг моҳир токари Александр Сигалев, фрезерчилар Фаттоҳ Бадалбоев, Сергей Старидиковлар 1,5-2 нормадан иш бажаришга ваъда бердилар. 1-цехдан Владимир Жуков, 2-цехдан Геннадий Бакетов бошлиқ бригадаларнинг ишчилари ҳам ана шундай юқори натижаларга эришадилар.

Х. ИНОҒОМОВ.

Поя ўрадиган комбайн

Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитетига қарашли Тошкент тажриба ремонт-механика заводи коллективи Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб оляпти. Цехлар, бригадалар ва техника бўлимлари ўртасида ўзаро социалистик мусобақа авж олган.

Мусобақада корхона ихтирочилари ва рационализаторлари ҳам актив қатнашмоқда. Яқинда улар муҳим юбилей олди совғаси тайёрлашди. Завод конструкторларининг узоқ давом этган изланишлари ўз самарасини берди. Бу ерда КУ-0,2 комбайни яратилди. У асосан канап поясини йиғиштириб олишда қўл келади. Шу пайтгача бу юмушлар фақат қўлда бажариларди. У жаҳон бозорида яхши баҳоланаётганлиги учун ҳам канап етиштирувчи мамлакатлар бу машина билан қизиқяпти. Куба республикаси комбайнларни биринчи бўлиб сотиб ола бошлади.

Ғ. РАЗЗОҚОВ.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари—ҳаётга!

ЭКОНОМИКА САБОҚЛАРИ

Шу йилнинг бошидан буён, мамлакатимизнинг қўпгина саноат корхоналари сингари Тошкент тўқимачилик комбинати ҳам ўз-ўзини молиявий таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш системасида иш бошлади. Янгича иқтисодий шароитда иш юритишнинг моҳияти, унинг хўжалик юритишнинг аввалги системасидан фарқи нимада? Ва нҳоятда корхона янги иқтисодий шароитда қандай ишлаяпти? Штатсиз мухбиримиз корхона бош экономисти Валентина Григорьевна Левина билан яқинда шу хусусда суҳбатлашди.

Ўз-ўзини бошқариш—шараф

— Хўжалик юритишнинг янги системаси корхоналарнинг ҳуқуқларини, мустақиллигини кенгайтириш билан бир қаторда уларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади. Лекин бугунги кунда фақат шунчаки ишлашнинг ўзи камлик қилади. Энг юксак сифат ва самарадорлик билан ишлаш — янги иқтисодий системанинг бош ва ҳал қилувчи мезондир. Шартнома асосида маҳсулот тайёрлаш, ассортимент ва сифат талабларига қатъий риоя қилиш ҳамда уни истеъмолчига ўз вақтида етказиб бериш бу системада иш юритаётган ҳар бир корхона учун асосий омил ҳисобланади. Акс ҳолда корхона ўз даромадининг 20 процентигача бўлган қисмини истеъмолчига жарима сифатида тўлашга мажбур бўлади...

Ҳақиқатан ҳам маҳсулот сифати ва ассортиментига қўйилаётган талаб — бу фақат янги иқтисодий системанинггина эмас, балки шу куннинг эҳтиёжига айланган. Ўтган ўн биринчи беш йилликда «Сифат — беш йиллиги» деб эълон қилинишига қарамай, магазин пештахталарида чанг босиб ётган, харидор диди ва талабига жавоб бермайдиган саноат моллари, айниқса, енгил саноат моллари йил сайин кўпайиб борди. Бундай сифатсиз халқ истеъмоли моллларини тайёрлаш учун қанча-қанча ишлаб чиқариш, моддий ва табиий ресурслар ишчи кучи беҳуда сарфланмади дейсизми. Ташвишланарли томони шундаки ишчи бу билан маънавий жиҳатдан ҳам зарар кўради. Ўз меҳнатининг маҳсули пештахталарда ойлаб, йиллаб ётганини кўрган ишчининг эртага янада «самарали» ишлашга иштиёқи қолармикин?

Йўқ албатта. Янги иқтисодий система, планлаштиришнинг эски йўналишларидан воз кечишни тақозо қилади. Аввалларги хўжалик фаолияти бир неча иқтисодий-техник кўрсаткичларга асосланиб белгиланарди. Эндиликда ассортимент ва сифатга қатъий риоя қилган ҳолда, истеъмолчига шартнома асосида маҳсулот етказиб бериш ҳамда даромад кўрсаткичи корхонанинг хўжалик фаолиятини баҳоловчи асосий мезонга айланган. Демак, корхона ишчиларининг маош миқдори, рағбатлантириш фонди, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, социал-маиший объектлар, уй-жой қурилиши фонди — ҳамма-ҳаммаси корхона олдиган даромадга бевосита боғлиқдир. Ҳолбуки, корхонамизда даромаднинг бир қисмигина — 24 процента давлат бюджетига ўтказилади. Қолган қисми корхона фаолиятига боғлиқ фондларга тақсимланади.

— Корхонадаги бугунги аҳволга тўхталиб ўтсангиз...

— Корхонадаги аҳвол ниҳоятда мураккаб ва тан олиш керакки, ўта оғир, ҳатто танг бўлиб турибди. Бир қатор ишлаб чиқаришларимиз, асосан, пардозлаш фабрикаси, тўқув филиалларимиз раҳбарлари эскича фикрлаш, эскича иш юритиш иллатидан ҳалигача қутила олмаяпти. Улар ўзларининг хўжалик фаолиятига эскича, бугунги кунда иккинчи даражали бўлган кўрсаткич, яъни соф норматив маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича баҳо беришга уриниб, асосий кўрсаткич — шартнома бўйича маҳсулот етказиб бериш, ассортимент ва сифат талабига риоя қилиш ҳамда бунинг ҳисобига даромад олишга кам эътибор беришмоқда. Оқибатда улар фақат ўз коллективларини эмас, балки бутун корхона коллективини оғир иқтисодий вазиятга солиб қўйишмоқда. Масалан, пардозлаш фабрикасининг рағбатлантириш фондида умуман маблағ қолмади — деярли ҳаммаси истеъмолчиларга жарима тариқасида улашилди. Корхона даромад олишнинг олти ойлик планини фақат 63,8 процентга бажарди. Яъни 6.192 минг сўм даромад олинмади. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7 миллион сўмдан зиёд кам даромад олинди, демакдир.

— Наҳотки, юзага келган оғир аҳволда фақат пардозловчилар айбдор бўлишса?

— Йўқ, бирданига бундай хулосага келиш нотўғри. Бунга ҳар иккала йигирув-тўқув фабрикалари, филиалларимиз ўзларининг «муносиб ҳиссаларини қўшишган». Масалан, олинмаган даромаднинг 4 процента биринчи, 6 процентни иккинчи, 30 фоизидан кўпроғи бешта филиалларимиз, 67 проценти, яъни 4 миллион 148 минг сўм эса пардозлаш фабрикаси ҳисобига тўғри келади.

— Шунча даромад ниманинг эвазига йўқотилди?

— Даромад йўқотишимизга олиб келган факторлар анчагина. Асосан, шартнома мажбурияти бажарилмагани учун — 1400 минг сўм, ассортимент бузилганлиги учун — 550 минг сўм, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи бўйича ортиқча харажатлар ҳисобига 3106 минг сўм, маҳсулот сортлилиги планининг бажарилмагани учун — 2214 минг сўм олинадиган даромаддан маҳрум бўлдик.

— Валентина Григорьевна, баъзи бир раҳбарлар бу вазиятнинг асосий сабаби ускуналарнинг эскилигида деб изоҳлашади. Шу фикр асослими?

— Тўғри, эски ускуналар ишлаб чиқаришга муайян таъсир ўтказади. Лекин, бу асосий сабаб деган фикрга қўшилмайман. Чунки бугунги кунда корхонадаги ускуналарнинг асосий қисми янгиланган. Бу — бир. Иккинчидан планлаштириш чоғида, яъни шартнома бўйича маҳсулот тайёрлаш ва даромад олишни планлаштиришда эски ускуналар қуввати, уларда техник эскилиги жиҳатидан юзага келадиган аҳвол аниқ ҳисобга олинади. Менинг фикримча, юзага келган тангликнинг асосий сабаби маҳсулот сифати, ассортименти ва шартнома бўйича истеъмолчиларни тўла таъминлай олмаётганимиз, бу талабларга менсимаслик билан қараётганимиздадир. Биргина мисол: йил бошидан буён харидорларга жўнатилган салкам 3,5 миллион сўмлик тайёр маҳсулотимизни — сифат ва ассортимент талабларига жавоб бермаганлиги учун — истеъмолчилар ўзимизга қайтариб юборди. Янги иқтисодий системага мувофиқ истеъмолчиларнинг бунга тўла ҳуқуқи бор.

— Мавжуд вазиятни ўнглаш учун нима қилиш зарур?

— Бу энг аввало ўзимизга — корхона коллективига, ишчилар, инженер-техник ходимлар, раҳбар кадрларимизга, сифатли ва самарали ишлашимизга боғлиқ. Чунки, эндиликда бизга ҳеч ким моддий ёрдам бермайди. Давлатга, министрликка боқманда бўлишимизга ҳеч ким йўл қўймайди. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришимиз, социал маиший объектлар, уй-жой қурилиши фонди, моддий рағбатлантириш фонди энди қай аҳволда бўлиши ишимизга, даромад олишимизга боғлиқ.

Бу борада бир қатор тадбирлар белгиланган. Шулардан бири меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг бригада методини, хўжалик ҳисобида ишлайдиган коллективлар системасини такомиллаштиришга қаратилган. Шунингдек, иш жойларини аттестация ва рационализация қилиш тадбирларини тўла амалга ошириш зарур. Булар маҳсулот сифати ва ассортименти талабларига қатъий риоя қилишда меҳнат коллективларининг жавобгарлиги ҳамда масъулиятини оширади. Такрор айтаман: ишлаш, жиддий, сифатли ва самарали ишлашгина фаолиятимизда ижобий ўзгариш ясашнинг омили бўла олади.

Суҳбатни
Х. САЙДУЛЛАЕВ
ёзиб олди.



Коммунист Михаил Николаевич Григорян «Таштеплосеть» ишлаб чиқариш бирлашмасида 20 йилдан буён самарали меҳнат қилиб келмоқда. У ҳайдовчилар ўртасидаги социалистик мусобақада пешқадамлар сафида боряпти, ўз ишида юксак тежамкорликка эришяпти.
СУРАТДА: М. Н. Григорян.

Р. Шарипов фотоси.

Ҳисса

Янги токарлик автомат дастгоҳининг ишга туширилиши муносабати билан эксперементаль цехида 6 минг сўмликдан зиёд иқтисодий самара олиш имконияти юзага келди.

Асбобсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг барча цех ва ишлаб чиқариш участкаларида бўлгани каби эксперементаль цехида ҳам замонавий, серунум техникадан фойдаланишга талаб тобора ортиб бормоқда. Қолаверса цех ишчиларининг ўзлари ҳам бевосита мана шундай қулайликларни яратиш борасида тинимсиз изланишмоқда. Янги токарлик автомат дастгоҳининг юзага келишида ҳам бундай изланишларнинг самараси катта бўлди.

Янги техника ижодкорлари шу кунларда цехдаги сермашаққат иш жараёнларини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ва иш сифатини яхшилашга имкон берувчи янги рационализаторлик таклифларини яратиш борасида ғайратшижоат билан меҳнат қилишмоқда. Тўхтамурод Солиҳов, Рашид Тўлабоев, Аҳадали Ефримов, Анатолий Маҳмудов, Рамз Мустафоев, Олимбой Мадраҳимов сингари рационализаторлар цех қувватини оширишга баракали улуш қўшиш билан биргаликда Улуғ Октябрнинг шонли юбилейи йили шарафига авж олдирилган меҳнат беллашувида ҳам илғорлик қилишмоқда. Уларнинг ҳар бири шу кунларда келаси йилнинг дастлабки квартали ҳисобига маҳсулот топширишяпти.

У. МУҲАМЕДОВ,
«Тошкент оқшоми» жамоатчи мухбири.

Тошкентдаги «Компрессор» заводи ишчи-хизматчилари тежамкорликка катта эътибор беришаяпти. Улар барча соҳаларда иқтисод ва тежамкорликка эришиб, тобора кўпроқ ютуқларни қўлга киритиш учун курашмоқдалар. Айни пайтда маҳсулотлар сифатига ҳам эътибор кучайтириляпти.
СУРАТДА: маҳсулотнинг давлат қабули вакили Ю. Е. Корнилов маҳсулотлар сифатини кўздан кечиряпти.

М. Нуриддинов фотоси.

Ютуқлар гарови

Тежамкорликни кучайтириб, хўжасизликка барҳам бериш ҳаракатига қўшилган Мурод Камолов бошчилигидаги комплекс коммунистик меҳнат бригадаси қурувчилари ортиқча исрофгарчиликсиз ишлашга муваффақ бўлишмоқда. Улар ҳар бир иш кунида қурилиш материалларидан унумли фойдаланиб, тежаб қолишга эришишаяпти. Бунинг эвазига қурувчилар ўз орзу-мақсадларини юзага чиқариб боришмоқда.

«Главташкентстрой»нинг «Промстрой» трестига қарашли 11-қурилиш-монтаж бошқармасидаги бу илғор коллективга 30 қурувчи уюшган. Уларнинг ҳар бири ўз касбини мукаммал эгаллаганлиги билан бошқа бинокорлардан ажралиб туришади. Қолаверса, пешқадам бунёдкорлар турдош касбларни ўзлаштириш борасида ҳам бой маҳорат тўплашган. Уларнинг ҳар бири ўз ишидан ташқари дуradгорчилик, монтажчилик, бетончилик сингари юмушларни ҳам бемалол уддалай олишади.

Бригада қурувчилари яқиндагина Беруний кўчасида 40 квартирали янги турар жой биносини эгаларига тақдим этишганди. Улар айни кунларда шу ерда 140 ўринли янги болалар боғчаси қурилишини жадаллик билан олиб боришмоқда.

— Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, — дейди қурилиш объекти прораби Қудрат Саъдуллаев биз билан суҳбатда, — М. Камолов бошчилигидаги комплекс бригада бинокорлари қурилиш материалларини иқтисод қилиб қолиш юзасидан бошқармамиз коллективлари ўртасида авж олдирилган социалистик мусобақада пешқадамлик қилишмоқда. Ғишт, цемент, қум каби қимматли қурилиш материалларини ҳар иш кунида улар тежашга эришишаяпти.

Четдан қараган ишчи учун бундай ҳол ғайритабиий туюлиши мумкин. Бироқ меҳнатга онгли муносабатда бўлингандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Буни чуқур англаган коллектив қурувчилари меҳнат интизомини бузиш ҳолларига деярли йўл қўйишмаяпти. Ҳар бир дақиқадан самарали фойдаланган ҳолда ишлашмоқда.

Бригада коллективи тежамкорлик ҳаракатини авж олдириш билан биргаликда Улуғ Октябрь шонли 70 йиллик юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақада актив иштирок этиб келмоқда. Уларнинг ахди бу қувончли айём нишонланадиган кунга қадар ўн иккинчи беш йилликнинг икки йили планини бажаришдан иборат. Графикдан бир неча кун илгарилаб кетган қурувчилар кўзлаган марраларини эгаллай деб қолишди.

М. ФЕЛЬДМАН.

Қайта қуриш омили

Атрофимизда рўй бераётган буюк ўзгаришларга назар ташлаб, беихтиёр ўйланиб қоламан. Хўш, қайта қуриш автокомбинатимизда қандай бораяпти? Унинг моҳиятини дилдан ҳис этган ишчи-хизматчилар янги талабларни амалга оширишга ўзларининг қандай улушларини қўшмоқдалар. Тўғрисини айтганда, қайта қуриш бизни янада самарали меҳнат қилишимизга қулай имконият яратди. Барча иқтисодий техник кўрсаткичларимизда кутилмаган ўзгаришлар рўй берди. Мен бу билан аввалларги бу даражада ишламасдик, демоқчи эмасман. Янги вазифалар қўйилгунга қадар ҳам автокомбинатимиз «Главташпассавтотранс» бошқармаси транспорт ташкилотлари орасида пешқадамлик қилиб келарди. Ҳозирги кунда ҳам ана шундай мавқени ўзимизда сақлаб қолдик. Бунга ўз ишимизни қайта қуриб, хўжалик механизмини такомиллаштириш ва илғор иш усулларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш туфайли муваффақ бўлдик.

Энг аввало коллективимиз ҳайдовчиларининг ўзлари янгича ишлашнинг моҳиятини тўла ҳис қилган ҳолда ишга ёндошаётганликларини алоҳида эътироф этмоқчиман. Меҳнат интизомини бузиш, йўловчиларнинг ҳақига хиёнат қилиш каби ярамас иллатлар эндиликда умуман ёт. Уларнинг ҳар бири ўзига биркитилган транспортни моҳирлик билан бошқариб, йўловчиларга юқори маданиятли хизмат кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Айниқса кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган мураббий ҳайдовчилар бу борада авангардлик намуналарини кўрсатишяпти.

Уларнинг кўпчилиги юбилей йили план топшириқларини шонли тантаналар нишонланадиган кунга қадар бажаришга бел боғлаган эдилар. Чинакамига меҳнат қилиш туфайли ёруғ юз билан бу қутлуғ айёмни улар ҳозир муносиб кутиб олмоқдалар. Биргина Муборак Шокиров бошчилик қилаётган коллектив ҳайдовчиларининг ўзи айни кунларда келаси йилнинг дастлабки ойлари ҳисобига ишлашяпти. Коллективга уюшган 36 ҳайдовчи бу ютуққа ўзининг муносиб улушини қўшмоқда. Бошқа коллективларда меҳнат қилаётган Р. Мингалиев, С. Турсунов, О. Усмонов, И. Рибаков сингари ўнлаб моҳир ҳайдовчилар ҳам айни кунларда шонли сана шарафига олган юксак социалистик мажбуриятларини ортиғи билан адо этишиб, зиммаларига оширилган мажбурият олиб ишлашмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорларида илгари сурилган экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш соҳасидаги янги вазифалар коллективимиз инженер-техник ходимларини, ҳайдовчиларни тўлқинлантириб юборди. Унда меҳнат коллективларининг ҳуқуқини янада кенгайтиришнинг йўл-йўриқлари реал кўрсатиб ўтилганди. Бу муҳим дастуриламални изчил амалга оширишга эришиш учун аввало илғор иш усулларини кенг қўллаш талаб этилади. Айни пайтда шу масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда янгича ишлашнинг, экономикани бошқаришда туб бурилишга эришишнинг йўл-йўриқларини белгилаб олаяпмиз. Келаси йилдан бошлаб автокомбинатимизнинг хўжалик ҳисобига ўтказилиши ана шу хайрли ишни амалга оширишда муҳим омил бўлиши шубҳасиз. Ҳозирги кунда автокомбинатимиздаги баъзи бир коллективлар ўз ишларини хўжалик ҳисобида ташкил этмоқдалар. Уларда эришилаётган муайян натижалар бу истиқболли ишнинг афзалликларини тўла намойиш этиб турибди.

Бироқ яхши ишлаш учун ҳамма бирдек жон қуйдириб меҳнат қилиши лозим. Автокомбинатимиз коллективи бунга эришмоқда. Аммо баъзи бир таъминотчи коллективларнинг ўз ишларига масъулият билан ёндошмаётганлиги умумий ютуқларимизнинг мустаҳкамланишига ғов бўлмоқда. Бу ҳол кўпроқ эҳтиёт қисмлар ва баъзи бир деталларнинг етишмаслигида яққол кўзга ташланади. Бу муҳим маҳсулотлар билан таъминловчи корхоналар эса шартнома мажбуриятларининг бажарилиш тартибини издан чиқармоқда. Аммо биз муаммолардан чўчиб, ишни ташлаб қўяётганимиз йўқ. Чунки ишламоқчи бўлган одам учун ҳамиша имконият топилади. Ишдан чиққан детал ва эҳтиёт қисмларга қайта умр бағишлашнинг чоралари ҳам топилди. Ҳозирги кунда ўзимизда фаолият кўрсатаётган ремонтчи цехнинг ишчилари бунга имкон яратишди.

Бугунги ютуқларимизга кўз тикиб беихтиёр қувончга тўлади, киши. Чунки автокомбинатимиз коллективи графикдан етти кун ўзган ҳолда меҳнат қилмоқда. Шунинг ўзиёқ шонли юбилейни муносиб кутиб олишимиздан далолат бериб турибди.

М. ЛЕВИН,
2-автокомбинат директори.

Механизациялаштириш эвазига

Юбилей йилининг биринчи ярим йиллигида ойна-мебель фабрикасида ишлаб чиқариш суръати 5,7 процент ўсди. Бунинг эвазига меҳнат унумдорлигини анча оширишга муваффақ бўлинди. Кейинги ойларда ҳам коллектив ҳисобида ана шундай қувончли натижалар қайд этилди.

Корхонада олиб борилаётган бир қатор ташкилий техникавий тадбирлар эришилаётган муваффақиятларнинг асосий омили бўлмоқда. Фан-техника тараққиёти ютуқлари ишлаб чиқаришга жадал жорий этиб борилаяпти. Механизациянинг роли тобора ошмоқда.

Айни кунларда корхона инженерлари ва механиклари фабрикада ташкил этилаётган янги ярим автомат линияни ишга туширишда соҳасида қизғин фаолият кўрсатишмоқда. Хомаки ҳисоб-китобларга қараганда бу янги технологик агрегат фабрикада меҳнат унумдорлигини 25 процентга ошириш имконини бериши кутилаяпти. Қолаверса иш сифати ҳам бирмунча яхшиланади.

Механизациялаштириш ва автоматлаштириш шарофати туфайли бу участкадаги операторлар сони ҳозиргача уч баравар қисқарди. Иш жараёнлари такомиллаштирилиб ортиқча ишчи кучи сарф қилинишига барҳам берилди. Ишлаб чиқариш маданияти юксалди. Ундан олинган иқтисодий самара эса ҳозирча 44,7 минг сўмликни ташкил этди.

М. АВЕРИН.

Фақат аъло сифат билан

Ленинградлик илғор меҳнат коллективларининг икки ва уч сменали иш режимини жорий этиш борасида бошлаган ватанпарварлик ҳаракатини асбобсозлик заводига қарашли деталларга термик ишлов берувчи цех коллективи ҳам мамнуният билан кутиб олган эди. Шу асосда цехда бошлаб юборилган ўнлаб ташкилий-техникавий тадбирлар коллектив шуҳратини оширишга, тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга, қолаверса меҳнат унумдорлигини юксалтиришга кенг йўл очди. Ишчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун қулай шароит юзага келди.

Ҳозирги кунда ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган дастгоҳларга цехдан ўрин қолмаган. Уларнинг ўрнини замонавий янги иш жиҳозлари эгаллаган. Ишга янгича ёндашиш шарофати билан коллектив аъзолари юбилей шарафига олган мажбуриятларини пухта адо этиб боришяпти. Ҳозирги кунда цехда тайёрланган маҳсулотнинг юз процента сифатли деб топилмоқда. Бу бирлашмадаги энг юқори кўрсаткич.

А. РУСТАМОВ.

Дунё хабарлари
ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ

● БЕРЛИН. Берлиндаги Германия — Совет дўстлиги марказий уйи Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган тадбирларнинг кенг программасини тайёрлади. Шонли юбилей муносабати билан, деб хабар қилди уй директори Л. Волерт журналистлар билан суҳбатда, Германия — Совет дўстлиги номини олган меҳнат коллективларининг учрашуви бўлади. «Сўз Октябрь фарзандларига» шиори остида ўтказиладиган ана шу учрашувлар давомида ГДРда социализм қурувчиларнинг уч авлоди вакиллари ўз ҳаётларида Улуғ Октябрнинг роли ҳақидаги, Германия социалистик давлатини Ленин мамлакати билан боғлаб турган қардошлик муносабатлари тўғрисидаги фикрларини айтадилар.

Октябрнинг охирида совет китоблари ҳафталигининг очилиши программада кўзда тутилган тадбирларнинг чўққиси бўлади, ҳафталикда совет ёзувчилари ва шоирлари иштирок этадилар.

● БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентина Компартияси Марказий Комитетининг бу ерда бўлиб ўтган пленумида Улуғ Октябрнинг яқинлашиб келаётган юбилейига бағишлаб махсус резолюция қабул қилинди. Бундан 70 йил муқаддам, дейилади ҳужжатда, «Аврора»дан отилган ўқ инсоният тарихида янги даврни бошлаб берди, бутун дунёга Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасини маълум қиқилди. Қашшоқлик ва эксплуататциядан бошқа ҳеч нарсагага эга бўлмаган ишчилар, камбағаллар ўз мамлакатларининг ҳақиқий хўжайинлари и бўлиб қолдилар.

Шонли воқеа муносасабати билан АКП Марказий Комитети тадбирларнинг кенг планини ишлаб чиқиди, 8 ноябрда пойтахтдаги спорт-концерт комплексида ўтказишга мўлжалланган мимитинг бу программанинг чўққиси бўлади. Аргентина Компартиясининг Марказий Комитети Октябрь революциясининг 70 йиллигини байрам қилишга тайёргарлик тинчлик учун курашни авж олдириш билан, халқаро бирдамликни кучайтириш билан боғлиқ бўлиши кераклигини уқтирди. Шу муносабатат билан АКП Марказий Комитети совет тинчлик ташабаббусларини кенг пропагаганда қилишга, қуролланиш пойгаси учун жавобгар бўлган АҚШ империалистик доиоираларининг жиноий фаолиятини фош этишга, империализм кучларининг дунёни термоядро фалокати гирдобига тортишга уринишларига қарши чиқаётган барча сиёсий ва социал кучларнинг бирлигини мустаҳкамлашга чақирди.

КАДДАФИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

● ТРИПОЛИ. Душман Аузу доирасидан қувиб чиқарилиши билан Чад ва Ливия ўртасидаги уруш тугади, деди Ливия революциясининг раҳбари Муамар Каддафи. «Ливия жамоҳирияси, — деди у чоршанба куни Бенғози шаҳри яқинида бўлиб ўтган оммавий митингда нутқ қ сўзлаб, — ўзининг халқароро чегаралари доирасида турибди. Биз Чадни чадликларга бериб, у билан чегаранинг бутунлай ёпиб қўйдик».

Ливия Чадга ўз территориясида тинчлик ўрнатишини ва ўз жароҳатларини тузата олишни тилайди.

Мустақиллик куни нишонланди

● МАНАГУА. Никарагуа ишчилари ўз миллий байрами — республика мустақиллиги кунини революцион ватан манфаатлари йўлидаги зардор меҳнат билан нишонладилар. 15 сентябрь дам олиш куни деб эълон қилинганига қарамай, эрта тонгданоқ Манагуа саноат корхоналарининг коллективлари ишга чиқдилар. Завод ва фабрикаларнинг ишчилари шу куни энг юқори меҳнат унумдорлигига эришишга ва шу тариқа Қўшма Штатларнинг тўхтовсиз давом этаётган агрессияси вужудга келтирган иқтисодий қийинчиликларга қарши курашишга ўз ҳиссаларини қўшишга қарор бердилар. Шу куни ишлаб топилган маблағнинг бир қисми сандиночилар ва халқ армияси жангчиларининг оилаларига ёрдам фондидига ўтказилади.

Иш куни тугаганидан кейин меҳнаткашлар колоннаси пойтахт кўчаларидан ўтдилар. Намойишчилар 19 август ойининг бошида ишимзоланган ва Марказий Америкадаги можарони тинч воситалар ёрдамида ҳал этишга қаратилган Гватемала битимини ҳамда Никарагуа ҳукумати ўтказаётган милиллий яраш сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватлашларини изҳор қилдилар. Манагуа меҳнаткашлари Рейган матаъмуриятидан регион ишларарига аралашувга чек қўйишини, унинг халқларига ўз тақдирини ўзи ҳал этиш ҳуқуқуқи берилишини талаб қилдилар.

Объективда—ВХР



Меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида Венгриядда фан-техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланилмоқда. Бугунги кунда ишлаб чиқаришда электроникадан муваффақиятли фойдаланилмоқда.

СУРАТДА: «Раба» вагон-машинасозлик заводида ўрнатилган мослама замонавий дастгоҳларнинг детал ва сирларини ниҳоятда аниқлик билан «кўздан кечиради».

МТИ—ТАСС фотоси.

Калейдоскоп

ЧЕКИШ МАН ЭТИЛДИ

Франция ҳукумати шу йил охиригача мактаб биноларида чекишни манэтувчи қарор қабул қилишни лозим топди. Бу ҳақда Франция радиосида нутқ сўзлаётган мамлакат соғлиқни сақлаш ишлари бўйича министр-делегат Мишель Барзак айтиб ўтди. Шу билан бирга мамлакатда чекишга қарши умуммиллий кампаниялар бошланиб кетди.

ЗАҲАРЛИ ЙЎЛОВЧИ

Ҳиндистон давлат транспорт корпорациясининг Мадрас билан шаҳар атрофига хизмат кўрсатувчи автобуси салонига а кўзойнакли илон кириб олганини ҳеч ким сезмай қолди. Ў олдинги ўриндиқлардан бирининг остида ўзига қулай жой танлаб, ўралиб олган экан. Илонни биринчи бўлиб ҳайдовчи кўриб қолди ва шовқин солиб машинанни тўхтатди. Йўловчилар ваҳимага тушиб бирин-кетин автобусдан қочиб чиқа бошладилар. Шовқин-суронда ўзини йўқотиб қўйган кўзойнакли илон ҳам ўзини ташқарига урди. Аммо олдинги эшикдаги тўполонда ажралиб етиб ўлди.

Нафосат гулшани

Абдулла Қаҳҳор туғилган куннинг 80 йиллигига

АТОҚЛИ СЎЗ САНЪАТКОРИ



Культуребидаги* ҳайкал

Қошингга етурман бир куни саҳар,
Қошингга борурман дилимда қайғу —
Сукунат шу қадар чуқур бўлару
Соғинчим юртимдек улуғвор бўлар.
Эгилиб пойингга гулдаста қўйсам,
Шабнамдек сочилиб кетар соғинчим.
Сен ҳам соғинчингни енголмай ул дам
Балки шивирларсан қулоғимга жим:
«Осмон ўша-ўша, юлдузлар ўша,
Бунда ҳам юлдузлар учар мисли ўқ.
Кеча ўша-ўша, кундузлар ўша,
Фақатгина бунда Ўзбекистон йўқ».
Мен эсам ўзим ҳам олдин билмаган
Дуолар битганча дўстлик ҳақига,
Ҳали йигитликда ҳеч эгилмаган.
Бошимни эгурман гуржи халқига.
Товлана бошлагач маъюс ва аста
Уфқнинг бир чети мисоли анор.
Гуржи тупроғининг бир чеккасида
Ўтқазаман сенга атаб бир чинор.

Хуршид ДАВРОН.

* Грузиянинг шу шаҳрида Абдулла Қаҳҳорга ёдгорлик ўрнатилган.

Устоз ён дафтаридан

◎ Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарф қилиш керак эмас.

◎ Яхши ёзолмаганингни кечириш мумкин, лекин яхши ёзишни истамаганингни кечириш мумкин эмас.

◎ Ўз бошимни зўрға кўтариб юрибману, бировнинг бошини айлантиришни менга ким қўйипти.

◎ Бақиргандан кўра маромн билан секинроқ қилинган таъна қулоққа яхшироқ киради, зеҳнга яхшироқ ўрнашади.

◎ Унинг хафа бўлганини авзойидан, қилмишидан билиб бўлмайди, буни хафачилик ўтгандан кейин қанчалик суюнганидангина билиб бўлади.

◎ Муҳаббат дутор, эҳтиёт қилиб тутмасанг, тоб ташлайди.

◎ Биз эр-хотингина эмасмиз, эр-хотинлик орамизданги муносабатнинг бир жузъисигина, агар бирон бошқа мажбурият бизни эр-хотинликни барҳам беришга мажбур қилса, орамиздаги муносабат жуда кам зарар топади.

САМИМИЯТ

Улкан адибимиз Абдулла Қаҳҳор ҳақида сўз кетганда, унинг ўта талабчанлиги, ҳақиқатгўйлиги ва қаттиққўллиги алоҳида уқтириб кўрсатилади. Чинданам шунақа. Устознинг бу хусусиятларини мен ўз тажрибамда ва ҳамкасбларим тажрибасида кўп кўрганман. Яхшини яхши, ёмонни ёмон деб ҳеч иккиланмасдан, тортинмасдан дангал айтарди. Ёшларга оталарча самимий меҳрибонлик қиларди. Уларда кстеъдод учқунини кўрса, шуни аланга олдиришда астойдил кўмаклашарди, ижодий ташаббусни ҳар томонлама қўллаб-қувватларди.

Эллигинчи йилларда адабиёт майдонига қадам қўйган Улмас Умарбеков, Учқун Назаров, Шукур Холмирзаев, Уткир Ҳошимов сингари ёш талантларни вояга етказишда озмунча ғамхўрлик қилгани йўқ. Шу билан бирга ёшларни талтайтирмасдан, уларнинг ижоди ва хулқи-атворида бирон етишмовчилик кўрса, буни ўз вақти-соатида ҳеч эринмасдан, пайпасламасдан очиқ айтиб турганлари ёдимизда. Шоли курмаксиз бўлмайди. Ёш ёзувчилар орасида баъзи бирлари адабий ишга «сабаби тиричилик» деб қараб ғўр асарлар ёзса, ундайларга Абдулла ака беаёв эди.

Абдулла Қаҳҳор адабиёт ишига муҳим халқ иши, виждон иши, чин ватанпарварлик бурчи деб қарар, шогирдларга шу фикрни муттасил сингдириб борарди.

Абдулла Қаҳҳор кўп қиррали санъаткор бўлган: прозанинг чеховча йирик устаси, гоголсифат ўткир драматург, оташнафас публицист ва билимдон, зукко танқидчи ҳам эди. Шунингдек биз, болалар ёзувчилари севимли адибни ўсмирлар адабиётига катта ҳисса қўшган устозлардан деб ҳам қадрлаймиз. Болалар ҳаёти ва тарбиясига бағишланган «Адабиёт муаллими», «Айб кимда» наби ҳикоялари, «Ўтмишдан эртаклар» қиссаси фикримизга далил бўла олади. Мазкур қисса ўсмирлар учун яратилган автографик-саргузашт асарлар қаторидан алоҳида ўрин олди ва бу жанрнинг ривожига сезиларли таъсир кўрсатди. У сатира ва афоризмга бой бўлиб ёш китобхонларни ота-боболаримизнинг оғир, сертаҳлика ўтмиши ва инқилобий ҳаракатлари тўғрисидаги тасаввурлар билан бойитади.

Абдулла Қаҳҳор болалар ва ўсмирлар адабиётининг тарбиявий ролига катта эътибор берар, унинг аҳволини сезгирлик билан кузатиб турар, ундаги муваффақият ва қусурлар устида рўй-рост фикр-мулоҳазаларини билдириб борарди. Эсимда, устознинг урушдан кейинги болалар адабиёти хусусида Ёзувчилар союзи пленумида сўзлаган нутқи катта шов-шувга сабаб бўлганди. У, ўша йиллар болалар адабиёти давр талабларидан хийлагина пастлигини айтиб, унинг сабабларини очиб ташлаганди.

Ёзувчилар олдига қаттиқ талаблар қўйилмагани учун болаларга ёзиш осон деган ақидада юрган «косиблар» пайдо бўлганлигидан куюнган эди. Болалар ёзувчилари олдида турган каттакон масъулиятни уқтириб: «Болалар учун китоб ёзадиган киши ғоят уста санъаткор, катта тажрибали педагог, тилнинг заршуноси бўлмоғи керак!» деб таълим берганди. Улкан мураббийнинг ушбу таълим ва ўгитлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Биз буни ҳамиша чуқур миннатдорлик билан эслаймиз!

Ҳаким НАЗИР,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги хотираларни ўқиб

Улуғ Ватан Адабиёти
Улуғ Ватан каби —
улуғ қурбонлар
Эвазига рўёбга келган.
Эҳ, бунда ҳам тўкилган
қонлар! —
Лахта-лахта дилларнинг
қони.
Дўстим, бу китобни аввалаб
ўқи,
Бу — Абдулла Қаҳҳорнинг
жони.
Шартмас ёзувчини бадарға
қилмоқ.
Уни зиндонларда чиритмоқ
шартмас:
Унинг атрофида наслу
насаби
номаълум фосиқлар
урчитилса бас!
Шуларнинг ўзи бас.
Шуларнинг ўзи
бир умр кемириб ейди
талантни.
Буларнинг итлардан фарқи
шу:
Булар
иғво, бўҳтон билан талайди.
Буларнинг ягона ҳунари —
ҳасад.
Каттасидан токи кичигигача
душман деб санаган
Қаҳҳорнинг ёзган
асаридан тортиб кучугигача.
У ҳаёт пайтида мум тишлаб
юрган
«шогирдлар»га қаранг, тилга
кирмиш заб:
Росту ёлғонлардан тўқилган
сохта
хотиралар чиқар бодроқдай
бодраб.
«Чорак аср ҳамнафас» эмас,
Чорак аср ҳамдард,
оғриқдош
бўлиб яшагансиз, Кибриё
опа.
Ул оғриқлар бугун — оғир
тош.
Айтган ҳар бир сўзи —
мужассам виждон.
Не бахтким ўқилур
хонадонларда.
У сўзлар ҳозир ҳам уйқу
бермайди
Адабиётдаги зодагонларга!

Сирожиддин САИДОВ.

Устоз Абдулла Қаҳҳор туғилганининг 80 йиллиги муносабати билан Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида хотиралар китоби тайёрланмоқда эди. «Абдулла Қаҳҳор — замондошлар хотирасида» деб аталган бу китобга адибнинг яқин биродарлари, сафдошларию шогирдларидан тортиб, у кишини ҳаётда бир бор кўрган ё кўрмаган барча хотира ёзиб қатнашиш иштиёқида эди. Мен ҳам ул зот билан бир-икки марта учрашганман, ҳатто суҳбатларига ҳам ноил бўлганман, бинобарин, икки-уч қоғоз хотира ёзишга ҳаққим бор эди. Лекин журъат қилолмадим (ушбу сатрларни ҳам хотира деб тушунилмаслигини истайман), ҳозир ҳам бунга ҳаддим сиғмайди. «Абдулла Қаҳҳор — замондошлари хотирасида» деб аталган китобда қатнашиш... ул буюк зотга замондошлик даъво қилишдек нокамтарлик, манманлик бўладигандек туюларди. **Ҳолбуки, сизу, бизнинг Абдулла Қаҳҳорга ёш замондош эканимиз ҳам, менинг у кишини бир неча бор кўрганим, суҳбатида бўлганим ҳам ҳақиқат. Ҳақиқат эса, аёнки, аксарият ҳолда қўл-оёғимизга тушов солгувчи, аслида, олижаноб андиша туйғусидан улуғроқдир. Қолаверса, устоз ўзи «Саломингизни беринг, ўтиб кетаверинг» мазмунда ўгит қилади.**

Илло, Абдулла Қаҳҳор «саломни бериб, олдидан ўтиб кетилаверадиган» зот эмас. Ўзбек адабиётида бунга журъати етадиган ижодкор топилмаса керак. Топилгудек бўлса, ундайлар ўзидан кўрсин, уларни биз кўрнамак деймиз. Ундайлар устозгагина эмас, адабиётга, наинки адабиётга, ўзига-да ҳурматсизлик, шаккоклик қилган бўлади. Мен Абдулла Қаҳҳор сиймосида ҳақиқатнинг тимсолини, тимсол не, ҳақиқатнинг ўзини кўргандек бўламан. Ул зот ҳаётда ҳам, ижодда ҳам адлу инсоф учун ғоишмай курашган, сўнгги нафасига қадар бировга на эгилган, на букилишни билган жасур, матонатли инсон сифатида ҳар бир ижодкорга ибрат бўлгусидир. Ўша кезларда юксак лавозимда турган шахснинг юбилейи муносабати билан бир-икки оғиз илиқ сўз ёзиб, шу баҳона ўртадаги «кескинликни юмшатиш»ни маслаҳат берган кишиларга Абдулла ака: **«Хушомад амалпарастларга яраша-ди. Мен хушомадгўй эмасман, мен ёзувчиман. Элликка кирдим, қўйинглар, энди мени эгаман деб овора бўлманглар, қайираман деб синдириб қўйишларинг мумкин», дея жавоб қилган эканлар.**

Абдулла Қаҳҳорнинг мумтоз асарларигина эмас, ўзи ҳам адабиётимизнинг беқиёс хазинаси, муносиб қаҳрамонидир. У киши ҳақидаги хотиралар, нақллар сизу биз каби «кечаги болалар»га бир афсонадек туюлиши мумкин.

«У ҳаёт билан кулиб турибвидолашди» деганга ўхшаш иборалар бизга бирмунча баландпарвоз, китобийроқ туюлади. Абдулла Қаҳҳор, муҳтарама Кибриё опамизнинг шоҳидлик беришларича, ҳаёт билан ана шундай мардона туриб видолашган. Устознинг, шубҳасиз, келгуси ишлари, ижодий режалари мўл эди, ҳаётдан умиди зўр эди, аммо умр соати маррага етибдими, бас — ортиқ талвасаю таҳлика маъносиз, ўтмиш умр, бажарилган ишлардан эса кўнгил тўқ. Бу тамойилни кейинроқ гўё Абдулла Қаҳҳор тилидан ҳам, устоз шоиримиз Миртемир шундай ифодалади: **«Қўшиқларим, сиз учун хижолатлик эмасман.»**

Ҳаётдек азиз неъмат билан бундай хотиржам видолашмоқ учун... устоз Абдулла Қаҳҳорга ўхшаган инсон бўлмоқ керак. Абдулла Қаҳҳордек инсон бўлмоқ, ижодкор бўлмоқ учун эса, танти, мардона яшамоқ, «умр дафтари»ни аввалаб асрамоқ, уни ҳар хил доғлардан ҳоли тутишга қодир турмоқ лозим. Бундай ибрат биз ёшлар учун муқаддас орзу бўлмоғи даркор.

Шу сатрларни ёзяпман-у, кўнгилда бир овоз: «Бу гапларни танқидчи акаларингга кўйиб бер, сен ўзинг кўрган, ўзинг билган гаплардан гапир!» деб қўймайди.

Роппа-роса йигирма йил бўлди... Бир ёзувчи акамизнинг маслаҳати билан (ўзимизда бундай журъат қайда!) устозни йўқлаб унинг Дўрмондаги боғига бордик. Уч киши. Ҳали студент бўлиб-бўлмаган, Абдулла Қаҳҳорни мактаб дарсликларидангина «яхши» биладиган, лекин адабиёт деса, ёзувчи деса ўзини томдан ташлашга тайёр уч бола.

Адиб билан бўлган учрашув ҳамда икки-уч соатлик суҳбатни батафсил эслатмоққа хотирам ожизлик қилади, бундай ҳолда аксарият кор келадиган амал — тўқиб-бичмоқни эса устоз хотирасига ҳурматсизлик деб биламан. Ҳарқалай шуниси ҳақиқатки, ўшанда ким билан ўтирибмизу, бу киши нақадар улуғ зот эканини уччаламиздан ҳеч биримиз етарлича ҳис этиб етмаганмиз, бунга тўлиқ кафолот бера оламан, **ўта жиддий, ўта қаттиққўл одам деб эшитганимиз устознинг фавқулодда одмилиги, аллақандай, қизиқиш аралаш хайриҳоҳ нигоҳлари, меҳрибон муомаласи ҳам бизга далда берган бўлса керак.**

Ўша, кўп марталаб таъриф этилган беҳи остидаги салқин чорпоя, саратон, тушдай кейинги палла, елкасига тўн ташлаб олган мўйсафид адиб, у кишига тўймай термиладиган уч бола, уч мухлис. Устоз ўзини ана шу болалар билан теппа-тенг тутиб, адабиётнинг бор сиру асрори ҳақида эринмай, худди эски танишлардек бамайлихотир суҳбатлашиб ўтирибди. Шуниси мени ҳамон ҳайратга соладики, домла ҳали бизнинг ақлимиз етибетмайдиган баъзи бир нозик гапларни ҳам дангал, очиқ-ошкор айтиб ташларди. Бизга, ғўр бир болаларга ишониб! Кейинроқ мен бу фикрларнинг кўпини устознинг «Ёшлар билан суҳбат» китобида ҳам учратдим. Бизга айтилган гаплар суҳбат маромида туғилган анчайин тасодифий мулоҳазалар эмас, адибнинг эътиқодига айланган ижодий-эстетик принциплар эканини шунда билдим.

Эсимда, ҳикоя ҳақида гаплашдик, домла бу жанрнинг қонун-қоидалари тўғрисида сўзлаб, қайси бир хорижий адибнинг ҳажман романга тенг ҳикоясини мисол келтирдилар. Мен арман адиби Серо Ханзадяннинг ҳам ана шундай каттакон ҳикояси борлигини айтиб «билимдон»лигимни намойиш этган бўлдим. Рости, ўшанда пича маҳмадонагарчилик қилганимни ҳамон хижолат билан эслайман. Устоз адабиётдаги баъзи **«жанри жадаллар»**ни хотирлаб, **«Сароб» романи туфайли ўн санкиз йил танқид эшитганларини айтганда**, «билимдонлик» шайтони васваса қилиб, мен: **«Домла, романингиздаги Салимхон образига унчалик тушуниб бўлмайдиг, бир оз хирароқ чиққандайми ўзи?» дедим.** Абдулла ака бир зум тин олиб: **«Ҳай, китоб бўлгандан кейин бир жойи ундоқроқ, бир жойи бундоқроқ чиқаркан-да»**, деб қўйдилар. Ўртоқларим менга маъноодор қарашди, тилимни тишладим.

«Сароб» — ҳозир менинг энг севимли китобларимдан, ўқиб тўймайман, неча қайталаб ўқиганиму яна неча бор ўқияжагимни ҳам айтолмайман. Уни зиддиятли йигирманчи йиллар зиёлилари ҳаётининг маълум сабабларга кўра бизга қоронғи жиҳатларини ҳаққоний акс эттирган нодир, илҳомбахш асар деб биламан. Ҳақгўй танқидчимиз Озод Шарафиддинов **бу асарни Абдулла Қодирий романларидан кейин адабиётимиздаги «иккинчи чўққи» деб атаганда минг бора ҳақ! Аммо ўшанда «Сароб»нинг бадиий қадрию Салимхондек мураккаб образнинг чинакам талқини нима эканини** кастрюлкадан», деб қўйдилар, Абдулла ака. Бу гап маъносини биз кейин — кечқурун Озод аканинг машиналарида шаҳарга қайтаётиб тушундик: дарҳақиқат, у кишининг «Волга»си сабзаранг, кастрюлканинг тусини эслатарди.

Мен «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг анкета саволларига жавобан, устоз билан бўлган ўша учрашувларни эслаб: **«Мени ҳайратга солгани — хаста ва ҳорғинроқ кўринган бу мўйсафиднинг бениҳоя мардлиги, тантилиги бўлди», дея таъкидлаган эдим. Дарҳақиқат, мардлик, тантилик, ҳалоллик тушунчалари адабиётимизда устоз Абдулла Қаҳҳор номига эш бўлиб жаранглайди. Устоз ҳақида ёзилган мақола ва хотиралар ҳарчанд ҳаққоний бўлмасин, улардан ҳеч бири адиб тўғрисида унинг ўз мақола ва адабий суҳбаталаричалик ёрқин тасаввур беролмайди.** Абдулла Қаҳҳор ижодий мактабининг асосий эстетик сабоқларини жо қилган «Ёшлар билан суҳбат» тўпламини олайлик. Бошига кўп савдолар тушган бу китобдаги ҳар бир мақола ёки суҳбат, ҳатто айрим мулоҳаза-қайдларга қадар адабий ҳаётимизга теран сингиб, учирма бўлган ажойиб ҳикматлардир. Мана, ўшалардан бири: **«Агар ёзувчининг ахлоқ кодекси тузиладиган бўлса, мен ҳалоллик билан шижоатни биринчи модда қилиб қўяр эдим...** «Устоз ўзи умр бўйи ана шу муқаддас қоидани ялов қилиб яшаган эътиқоди собит мумтоз санъаткор. У киши — адабиётимиз боғининг чинакам ғамхўр боғбони, унинг парваришини ихтиёран зиммасига олган жонкуяри — бу боғни гуллаб яшнатиш баробари айрим ғумайлардан тозалаб туришни бурч деб билган, кези келганда унақаларни бир мақола ёки бир оғиз аччиқ, лекин ҳақиқат сўзи билан адабиёт гулшанидан четга суриб қўйганларини ҳам эшитганмиз. Бундан аламзада бўлиб, устозни ҳаддан ортиқ қаттиққўл, ҳатто жаллод деб санайдиган (шу сўздан чўчимайлик, бор гап айтилаётир) кимсалар орамизда ҳали ҳам йўқ эмас. Таассуфки, устоз вафотидан кейин у кўкартирган боғда баъзи бир шумғиялар ғовлаб кетгани ҳам сир эмас. **Бироқ, таскин шуки, устоз адабиётимизга юксак келажак башорат қилган эди, бугун амал олган ана шу башорат меваларидан кўнглимиз шод, кўксимиз тоғ. Келажак адабиётимиз намояндалари улуғ санъаткор Абдулла Қаҳҳор ижодий мактабининг муносиб меросхўрлари эканликлари билан фахрланишга ҳақлидирлар.**

Эркин АЪЗАМОВ.

Шогирдлар каломи

ҲАЛОЛЛИК ВА ШИЖОАТ

Ёшлик йиллар шамоли

Замондошлар хотирасида

Нуроний чеҳра, мунис нигоҳ, йиллар армон-ташвишлари билан сочлари оқарган латофатли онахон ҳаяжонда ўтган кунлардан сўзлади. Октябрь инқилобининг ўша оловли йиллари доҳиймиз В. И. Ленин маҳаллий аҳоли фарзандларидан зиёли кишиларни етиштиришни долзарб ҳисоблаб, Туркистонда олий ўқув юрти ташкил этишга ғамхўрлик қилди. Ўрта Осиё ишчилар факультети очилди.

— Мен ана шу ишчилар факультетига 1924 йилда ўқишга қабул қилиндим, — деб эслайди нуроний онахон Сожида ая Носирова. — Бахтим қарангки, шу йили бўлажак машҳур ёзувчи Абдулла Каҳҳор ҳам рабфакка биз билан ўқишга кирган эди. Группамизда турли миллат фарзандлари билан ўзбеклардан етти талаба ўқишни бошладик. Бир куни группамиз ўқитувчилари ва талабалари, кейин дарс тайёрлаш пайтида етти ўзбек фарзандлари — ҳаммамиз эсдалик учун суратга тушдик. Мен бу суратларни энг қимматли хотира сифатида олтмиш уч йилдан бери асраб-авайлаб сақлаб келяпман.

Ёшлик йиллари хотираси рамзи — анча сарғайиб кетган суратларни диққат-иштиёқ билан кўздан кечирамиз. Унда рабфакнинг илмга ташна ёшлари, ўқитувчилари, ўзбек фарзандларининг илм-фандан баҳс этаётганлари акс этган. Рабфак группаси олинган суратда Сожида Носирова (чапда биринчи), охирги қаторда (чапдан иккинчи) ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг ўқиётган йиллари, ёшлик пайтлари кўз ўнгимизда жонланди. Иккинчи суратда етти ўзбек фарзандларининг китоб мутолаа қилишаётгани акс этган. Унда Сожида Носирова (ўртада) ва (ўнгда, юқорида) ёзувчи Абдулла Қаҳҳорни курсдошлари даврасида кўриб турибмиз.

Ўтган йилларнинг жонли хотираси бўлган бу суратларни кўздан кечирарканмиз, Сожида ая Носирова ёзувчи курсдоши ҳақида тўлқинланиб гапирарди.

— Мен Абдулла Қаҳҳор билан бир партада ўтириб дарс тингла́р эдим, — дейди Сожида ая. — Кўпинча дарсларни бирга тайёрлардик. Ўша пайтлардаёқ Абдуллажоннинг истеъдодли эканлиги равшан эди. Кечалари кўп ўқиб, ижод билан машғул бўлганидан ўқишга кечикиб ёки келолмай қолса, ўтилган темаларни сўраб олар, мустақил тайёрланар, имтиҳонларда ҳаммадан яхши жавоб берарди. Ўқитувчиларимиз Теплов, Рудзинский ва Миролюбовлар ҳам унинг истеъдодлигини айтишиб, «Туғма талант» дейишарди. Абдуллажон ёзма ишларни аъло даражада ёзарди, хати ниҳоятда сулув, чинакам ҳуснихат эди.

— Ҳа, айтгандек, бир воқеа эсимга тушди, — дея эслади Сожида ая, сўнг мароқ билан гапирди. — Курсимизда Мамажон Урозбоев ҳисобга уста бўлиб, уни «математик» дейишарди-ю, масалаларни ечишда Абдулла Қаҳҳорга тенглаша олмасди... У адабиётдан жуда ўткир эди. Рабфакда чиқадиган деворий газетамизга қизиқ-қизиқ ҳажвиялар, фельетонлар ёзарди. Кейин факультетимизда драма тўгараги ташкил этилди. 1926—27 йилларда группамизга Ойдин Собирова билан Шоҳидахоним Маъзумовалар ўқишга қабул қилинишди. Абдулла Қаҳҳор тўгарак учун новеллалар, пьесалар ёзар, булар Шоҳидахоним раҳбарлигида саҳнага қўйиларди.

Рабфакнинг биноси —«Коммунарлар хиёбони» қаршисида, Урта Осиё темир йўл идораси биносида эди. Клуб эса ҳозирги Узбекистон санъат музейи ўрнида бўларди. Мен комсомол аъзоси эдим, Қашқар маҳалласидаги «Ибрат» мактабини оталиққа олгандик, пионервожатий бўлганим учун мен мактабда «Кўк кўйлак» тўгарагини ташкил этдим. Абдулла Қаҳҳордан илтимос қилиб тўгарак учун кўпгина декламациялар, лапарлар ёздириб олиб, болаларга ўргатардим.

Мен ёшлик йилларим келажакда машҳур ёзувчи бўладиган истеъдодли Абдулла Қаҳҳор билан бирга ўқиганимдан у ҳақда унутилмас ширин хотиралар билан яшайман. Ҳаёт оқими тоғ дарёсига ўхшаркан. Кейинчалик тақдир мени қишлоқ хўжалиги институтига, сўнг турли лавозимларда ишлашга, колхозларда агроном бўлишга, Улуғ Ватан уруши йиллари болалар уйида ишлашга чорлаб кетди, ҳозир пенсиядаман, роҳатбахш ҳаёт нашъасини сураяпман. Умримда кўп яхши одамлар қатори атоқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳор билан ўқиган йилларимни фахрланиб эслайман...

Сожида ая Носирова умр ҳақида гапира туриб, «ёшлик йиллар шамол экан, тез ўтиб кетаркан», деди. Ёшлик йиллар шамоли ўтади, лекин тинмайди, у хотиралар бўлиб, ҳаёт илҳоми бўлиб қалбларга нур ва ҳузур бағишлаб эсаверади.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

●

Машҳур ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг рабфакда ўқиган йиллари олинган суратлар биринчи марта эълон қилинмоқда.

Нима? Қачон? Қаерда?

«ТУҲМАТ»

Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек Давлат академик драма театри коллективи драматург Улмас Умарбековнинг «Туҳмат» пьесасини саҳналаштириб томошабинлар диққатига ҳавола қилди. Асарда ҳорижий мамлакатларда меҳнат қилаётган совет кишиларининг фазилатлари ҳақида гап боради. Чет эллардан бирида хизмат бурчини адо этаётган ўзбек врачи Собирова империалистик мамлакатларнинг разведка бошқармалари ташкил этган туҳмат фитнаси гирдобига тушиб қолади. У ҳар қандай иғвогарликлар олдида бош эгмайди. Узининг ҳалоллиги ва ҳаққоний меҳнат қилаётганлиги учун матонат билан курашади. Натижада ҳақиқат тантана қилиб, империалистик иғвогарларнинг афти-ангори очиб ташланади.

Спектаклда СССР халқ артистлари Сора Эшонтўраева, Наби Раҳимов, Зикир Муҳаммаджонов, Узбекистон ССР халқ артистлари Ойдин Норбоева, Ёқуб Аҳмедов, Турғун Азизов, республикада хизмат кўрсатган артист Толиб Каримов, Узбекистон ССР Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Теша Мўминов ва бошқалар қатнашмоқда. Асарни Узбекистон ССР халқ артисти Латиф Файзиев саҳналаштирган.

Янги спектаклни 27 сентябрь куни соат 19 да томоша қилиш мумкин.

«ТОБУТДАН ТОВУШ»

Узбек совет адабиётининг забардаст адиби Абдулла Қаҳҳор туғилган кунининг 80 йиллиги муносабати билан санъат ва маданият даргоҳларида турли тадбирлар ўтказилмоқда. Республика сатира театри ана шу юбилейга атаб ёзувчининг «Тобутдан товуш» сатирик асарини тайёрлади. Бу асар 21 сентябрь куни кечқурун Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театри биносида намойиш этилади. Ундаги бош ролларни Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Хайрулла Саъдиев, Гулчеҳра ва Лутфулла Саъдуллаевлар, Шуҳрат Расулов, артистлардан Омина Иботулина, Шуҳрат Рўзиохунов, Толиб Ҳожиев, Садр Зиёвуддинов ва бошқалар ижро этадилар.

«ИЧКУЁВ»

Узбекистон телевидениеси 22, 23, 24, 25 сентябрь кунлари соат 22 дан кейин ёзувчи Турғун Пўлатнинг «Ичкуёв» қиссаси асосида ишланган тўрт серияндан иборат видеофильм премьерасини ўтказади. Шу муносабат билан телевидениенинг адабий-драматик кўрсатувлар бош редакциясининг муҳаррири НОРХЎРОЗ РАҲИМОВ қуйидагиларни маълум қилди.

— Биз нима учун бу асарга мурожаат қилдик? Аввало асарда қаламга олинган мавзунинг актуаллиги худди бугунги кун талаблари даражасида эканлигидадир. Ҳали ҳаётимизда турғунлик ҳоллари кечаётган бир даврда ёзувчи кўзбўямачилик, ошна-оғайнигарчилик билан сохта шоншуҳрат орттирган қаллобларнинг кирдикорларини фош этган. Ҳаётда кўп ноҳақликларга дуч келган журналист Уринбой Темировнинг мураккаб ҳаёт йўли орқали адиб ўша даврда илдиз отаётган салбий ҳодисаларнинг илдизини очишга муваффақ бўлади. Спектаклдаги бош ролни истеъдодли артист Ёдгор Саъдиев ижро этган. Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мақсуд Юнусов режиссёрлик қилган. У «Навоий», «Диёнат», «Гирдоб» видеофильмларини яратиб миллионлаб томошабинларнинг ҳурматига сазовор бўлган.

ОКТЯБРЬ БЕРГАН САНЪАТ

Муқимий номли музикали драма театри коллективи Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб республикамизда театр санъатини ривожлантиришда салмоқли ҳисса қўшган атоқли санъаткорларнинг ҳаёт йўлига бағишлаб ижодий кечаларни ташкил этишга киришди. Бу ҳақда театр директори Баҳриддин Насриддинов қуйидагиларни гапириб берди.

— Октябрнинг 70 йиллиги санъат ва унинг ижодкорлари тўйи ҳамдир. «Октябрла яшнар санъатим менинг» номи билан етук санъаткорларнинг ижодий кечаларини ўтказишга тараддуд кўрдик. 26 сентябрь куни оқшом чоғида томошабинлар Узбекистон ССР халқ артисти Маҳмуджон Ғофуров билан учрашадилар. Ҳурматли санъаткоримиз ўз ижодий фаолиятида яратган илҳомбахш образлари билан музикали драма жанрини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган. У «Алпомиш», «Тоҳир ва Зуҳра», «Фарҳод ва Ширин», «Нурхон», «Гулсара», «Лайли ва Мажнун», «Тошкентнинг нозанин маликаси», «Қасос» спектакларидаги бош қаҳрамонларнинг ариялари ижро этади.

27 сентябрь куни «Музикали комедиялар кечаси» тадбирига марҳамат қилган томошабинлар завқ оладилар. Уларга атаб «Ҳийлаи шаъий», «Тошболта ошиқ», «Олифта», «Ёшликда берган кўнгил», «Аршин мол-олон», «Ака-ука совчилар» сингари комедиялардан саҳналар кўрсатилади.

Жиноят содир бўлди

ҚЎЛГА ТУШДИ

● 26 июнь кундузи Юнусобод массивининг 4-кварталида истиқомат қилувчи Н. Гольденбергнинг квартирасига номаълум шахс очиқ қолдирилган дераза орқали кириб Японияда тайёрланган видеомагнитофонни ўғирлаб кетган. Киров район ички ишлар бўлими ходимларининг эҳтиёт билан кўрган чора-тадбирлари туфайли жиноятчи аниқланди ва қўлга туширилди. Тергов ишлари бошланди.

● 13 сентябрь эрта тонгда «1-Сергели» массивидаги 4-уй олдида турган П. С. Ганибадяннинг «И 69—47 ТН» рақамли «ВАЗ — 2106» автомобили олиб қочиб кетилганлиги ҳақидаги хабар олинган эди.

Сергели район ички ишлар бўлими ходимлари амалга оширган чора-тадбирлар туфайли машина Чирчиқ дарёсининг қуйилиш қисмидан топилди. Унинг ғилдираклари ва аккумулятори олиб қўйилганди. Бу жиноятга дахлдор шахслар аниқланди ва қўлга туширилди. Тергов ишлари бошланди.

● 14 сентябрь кечаси номаълум шахс И. Ҳидоятовнинг «ВАЗ—2106» автомобилини олиб қочишга уринган. Шу пайтда «Т» исмли граждани И. Ҳидоятовнинг ўзи тутиб олган. Тергов ишлари олиб борилмоқда.

СОЦИАЛИСТИК МУЛК ҒАНИМЛАРИ

● 14 сентябрь кечаси соқчи М. Даниловнинг эътиборсизлиги туфайли Куйбишев районидаги Ашхобод кўчасида жойлашган 3-марказий клиник касалхонасининг мажлислар залидан ҳажми 10, 5х1,5 метр бўлган гилам ўғирлаб кетилган. Қидирув ишлари олиб борилмоқда.

● 14 сентябрь кечаси номаълум шахс Чилонзор массивининг 25-кварталида жойлашган «Ташлимводторг»га қарашли киоска ойнасини синдириб 400 сўмлик сигаретни ўғирлаб кетган.

● 15 сентябрь кечаси номаълум шахс Радость кўчасида жойлашган «Ташлимводторг»га қарашли 12-киосканинг ойнасини синдириб умумий қиймати 200 сўмга тенг бўлган «БТ» сигарети ва «Олимпийский» шоколадларини ўғирлаб кетган.

АВТОМОБИЛЬ ОЛИБ ҚОЧИЛДИ

● 14 сентябрь эрталаб Ленин районидаги К. Уткин кўчасида жойлашган 60-уй олдидан В. А. Немоновнинг «З 10—99 ТН» рақамли «ВАЗ—2103» автомобили олиб қочиб кетилганлиги ҳақидаги хабар олинган эди.

Кўрилган чора-тадбирлар туфайли машина Байналминал кўчасининг қаршисидан, Бўзсув каналидан топилди. Унинг аккумулятори ва олд ойнаси йўқ эди. Текшириш ишлари олиб борилмоқда.

● 14 сентябрь кечаси Навоий кўчасидаги 18-уй олдидан Ш. Тўхтаниёзовнинг қизил рангли «А 97—00 ТШ» рақамли «ВАЗ—2106» автомобили олиб қочиб кетилган.

● 15 сентябрь кундузи «Марказ—14» кварталида жойлашган «Ганга» магазинининг олдидан Х. Ашировнинг «54—94 ТШП» рақамли «ВАЗ—2106» автомобили олиб қочиб кетилган. Қидириш ишлари олиб борилмоқда.

ҒИРИЛИК

● 14 сентябрь кечаси «1-Қорасув» массивидаги нон магазини олдида уч киши А. Соколовни тўхтатишган. Уни калтаклашиб «Ракета» қўл соатини тортиб олишган. Қидирув ишлари бошланди.

● 14 сентябрь кечаси Юнусобод массивининг 15-кварталидаги 19-уй олдидан А. Абдуллаямовнинг «Б—29—60 ТН» рақамли «ЗАЗ—469» автомобилининг учта ғилдираги ўғирлаб кетилган. Қидириш ишлари олиб борилмоқда.

● 14 сентябрь тахминан соат 17 00 да Ленинград кўчасидаги 19-уйда жойлашган саёҳат ва экскурсиялар бюроси биносидаги стол тортмасидан фаррош Н. А. Магурдумовнинг 150 сўм пул солинган жигарранг сумкаси ғойиб бўлган.

● 15 сентябрь кундузи Новомосковская кўчасидаги 31-уйда истиқомат қиладиган С. Назарянниг квартираси эшигини калит билан очиб киришлиб хонадан 13 та биллур ва кумуш қадаҳ ва идиш, 6 та олтин қадаҳ ва занжир ўғирлаб кетилган.

ҚАЛЛОБЛИК

15 сентябрь соат 17.00 да Чилонзор массивининг 12-кварталида жойлашган 60-уй олдида икки аёл фол очиб қўйиш баҳонаси билан 7-ЖЭУ мастери Э. Насриддинованинг олтин занжири ва сиргасини олиб қўйишган ва кўздан ғойиб бўлишган. Қидириш ишлари олиб борилмоқда.

ҚЎЛБОЛА АРАҚ «УСТАСИ»

16 сентябрда Фрунзе районидаги «ИТР» кўчасида истиқомат қиладиган В. Соловьевнинг квартирасида қўлбола арақ тайёрлаётганлиги фактига дуч келинди. Унинг уйидан 8 литр қўлбола арақ, 20 литр ачитқи ва қўлбола арақ тайёрлашга хизмат қиладиган мослама борлиги аниқланди.

Ўзингиз учратган жиноятчилар, тартибсизликлар, уларга сабаб бўлган кишилар ҳақида 33-71-47 ёки 56-99-10 телефонлари орқали хабар қилишингизни сўраймиз.

Спорт

Елканларни елдириб

Кейинги пайтда елканли қайиқ ҳайдаш спорти ҳам республикамизда ривожлана бошлади. Вакилларимиз ўз маҳоратларини бир неча марта Бутуниттифоқ турнирларида синовдан ўтказишди. Холисона айтганда, натижалар яхши бўлмади. Демак, бу борадаги ишларни такомиллаштириш, базаларни кенгайтириш, шароитни яхшилаш лозим.

Ҳозирги бутун ҳаракатлар ана шу камчиликларни бартараф этишга қаратилган. Чорвоқ сув омборида ўтказилган республика чемпионати ҳам навбатдаги синовлардан бири бўлди. Республика биринчилигида Чирчиқ, Навоий, Зарафшон ва Тошкент шаҳарларидан келган 50 дан зиёд спортчи мусобақалашди.

Барча турдаги елканларни бошқаришда тошкентликларнинг пухта тайёргарликка эга эканликлари яққол кўзга ташланди. Тошкент алоқа электротехника институтининг студенти А. Моисеевский, Тошкент Давлат университетининг студенти М. Фомина ва Тошкент даги 233-мактаб ўқувчиси С. Сичев чемпион унвонига сазовор бўлди. Бошқа совринли ўринлар ҳам тошкентликларга насиб этди.

Шу ердаги натижалар асосида сентябрь ойининг охирларида Севастополь шаҳрида ўтказиладиган мамлакат чемпионатида республикамиз шарафини ҳимоя қиладиган спортчиларнинг рўйхати тузилди. Улар аксари тошкентликлардан иборат бўлди. Бу сафар натижаларнинг яхшиланишига умид боғлаш мумкин.

Ёш боксчилар баҳсида

Нукус шаҳрида ўтказилган бокс бўйича республика чемпионатида бир халқаро классли спорт мастери, тўрт спорт мастери, 50 спорт мастерлигига кандидат ва 24 биринчи разрядли спортчи иштирок этди. Ўн етти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги бу биринчиликда тошкентлик спортчилар юксак маҳорат кўрсатишди. Тошкентликлардан Игорь Бунин, Феруддин Зойдов, Эдем Кемалов, Нурғали Абдураимов, Қаҳрамон Пўлатов, Бекжон Қосимбеков, Олег Чайкин, Эльвер Муетдинов, Карен Парсеговлар республика чемпиони унвонини қўлга киритишди.

Биринчилик баҳслари айни пайтда Донецк шаҳрида ўтказиладиган бокс бўйича мамлакат Кубоги баҳсларида иштирок этадиган спортчиларни саралаб олиш имконини берди. Барча тошкентликлар ана шундай шарафга муяссар бўлганлиги қувончлидир.

М. АБДУҚОДИРОВ.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК К АТТА ТЕАТРИДА — 22/IX/IX да Фидойилар, 23/X да Раймонда (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—22/IX да Аср ирга тенгилик кун, 23/X да Келинлар қўзғолони (19.30).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 21/IX да Мангўлик, 23/IX да Тошбола ошиқ.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДАДА — 23/IX да Черкобиль алажангаси (19.00).

Кино

21 СЕНТЯБРДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО» (катта зал, 17.20; 20.30); «ЧАЛКАШШЛИК» (кичик зал, 17, 19.30).

Дружба — «ШАКТИ» (11, 12, 18, 20.30).

Ватан — «ЧАККИГА-ДАҚАККИ» (18, 21.00).

Ўзбекистон ССР 25 йиллиги — «КЎЗ ЁШЛАР ОРОРОЛИДАГИ ИККИ КИШИ» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 50 йиллиги — «БАХТЛИ БЎЛИШНИ ИСТАЙМАН» (18.30, 21.30); «КИМ БУ ОДАМ» (16.00).

К. Ёрматов номли — «ОЧИНГ, ПОЛИЦИЯ?» (тоқ соатларда), «ЧАЛКАШШЛИК» (18, 20.30.30).

С. Раҳимов номидаги — «ҚИЛИЧ ТИҒИДА» (тоқ соатларда).

Қозоғистон — «ЧАНГДА ҚОЛГАН ГУЛ» (16, 19, 21 20.00).

Тинчлик — «ШАҲРИЗСЗОДАНИНГ ЯНГИ ЭРТАКЛАРИ»И» (16, 18.30, 21.00).

Москва — «ГРАФ-МОНТЕ-КРИСТО» (18, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ИТАЛЬЯНЧА АЖРАЛАЛИШ» (жуфт соатларда).

Чайка — «КУРЬЕР» (11 (17.00), «ОСКАР» (19, 21.00).

22 СЕНТЯБРДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ГРАФ-МОНТЕ-КРИСТО» — ((катта зал, 11, 14.40, 17.20, 20.30); «ЧАЛКАШЛИК» (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

Дружба — «ШАКТИ» (11, 12, 14.15, 17, 18, 20.30).

Ватан — «ЧАККИГА-ДАҚАККИ» (12, 15, 18, 21.00).

Ўзбекистон ССР 25 йиллиги — «КЎЗ ЁШЛАР ОРОРОЛИДАГИ ИККИ КИШИ» (тоқоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 50 йиллиги — «БАХТЛИ БЎЛИШНИ ИСТАЙМАН» (12, 14, 18.30, 21.30); «КИМ БУ ОДАМ» (10, 16.00).

К. Ёрматов номли — «ОЧИНГ, ПОЛИЦИЯ!» (тоқ соатларда), «ЧАЛКАШШЛИК» (12, 15, 18, 20.30).

С. Раҳимов номидаги — «ҚИЛИЧ ТИҒИДА» (тоқ соатларда).

Қозоғистон—«ЧАНГДА ҚОЛГАН ГУЛ» (12, 13, 15, 16 16, 19, 20.00).

Тинчлик — «ШАҲРИЗОЗОДАНИНГ ЯНГИ ЭРТАКЛАРИ»И» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Москва — «ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО» (18, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ИТАЛЬЯНЧА АЖРАЛАЛИШ» (жуфт соатларда).

Чайка — «ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО» (11, 14.00), «КУРЬЕР» (17.00), «ОСКАР» (19, 21 21.00).

АВТОМАТ-ЖАВОБ БЕРЕРУВЧИ ТЕЛЕФОНЛАР:

Санъат саройи — 44-4-21-44, 44-21-34, 44-21-74.
Ватан — 74-30-38.
Чайка — 77-06-20.
Москва — 33-05-01.
Тошкент Советининг 5050 йиллиги — 78-47-25.
Восток — 91-14-61.
Лисунов номли — 96-36-34-02.
Искра — 39-14-59.
Нукус — 46-46-55.
Дружба — 67-96-87.

Шаҳар кинотеатрларидада хизмат кўрсатиш маданиятинини юксалтириш юзасидан таклиф ва истаклар билан Тошкент шаҳар ижроия комитети кинолаштириш бошқармасига 33-37-11 телефон номери бўйича мурожаат қилинсин.

МАҚСУД ШАЙХЗОДА НОМЛИ КИНОТЕАТРДА «Келинг, бир кулишайлик» 21 сентябрь соат 18.00 да кулгисеварлар клубининг

«ТАБАССУМ КЕЧАСИ»ни ЎТКАЗИЛАДИ

КЕЧАДА: Республикага аскиячилар конкурсининг лауреатлари: Айниддин ЗАЙНУТДИНОВ, Фозилжон СУЛТОНОВ, Жалолиддин РАҲИМОВ, Убайдулла АБДУЛЛАЕВ, Жамол Махсум ЗАЙНУТДИНОВ, Турсунбой ФАЙЗИЕВлар;

ЛИРИК ҲОНАНДАЛАР: Тоживой ва Нормат НАЗАРОВлар ҳамда Фахриддин ИКРОМОВ қатнашадилар.

Кечани бадиий сўз устаси УБАЙДУЛЛА АБДУЛЛАЕВ олиб боради.

ҲУРМАТЛИ КУЛГИ ШИНАВАНДАЛАРИ, КЕЧАМИЗГА МАРҲАМАТ!

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР = РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ!

Водопровод тармоқларида ремонт-профилактика ишлари олиб борилиши ва 1987-88 йиллари куз-қиш мавсумига тайёргарлик муносабати билан

21 сентябрь соат 16.00 дан 22 сентябрь соат 9.00 гача —

А. Икромов ва Чилонзор районларининг Чилонзор массивида;

Фрунзе районидаги Лисунов массивининг Валихонов, Шолохов, Илтифот, Алиев, Радость, Замондош, Ленинчи кўчаларида, Янгиобод массивида, Котельний кўчасида, Шолохов массивида.

22 сентябрь соат 9.00 дан 23 сентябрь соат 9.00 гача— Киров, С. Раҳимов ва Октябрь районлари территориясига кирувчи ҳалқа автомобиль йўли бўйлаб жойлашган массивларда;

23 сентябрь соат 9.00 дан 24 сентябрь соат 18.00 гача — Ленин ва Сергели районларининг Қўйлиқ массивларида, шунингдек Сергели районида;

24 сентябрь соат 9.00 дан 25 сентябрь соат 9 гача — Куйбишев райони территориясидаги шаҳар марказий қисмида;

А. Икромов районининг Чилонзор массивида;

25 сентябрь соат 9.00 дан 26 сентябрь соат 9.00 гача —Қўйлиқ 5 массиви ва Сергели райони территориясида.

28 сентябрь соат 9.00 дан 29 сентябрь соат 9.00 гача — Октябрь райони территориясининг Беруний, Навоий, Самарқанд дарбоза кўчалари ва уларга ёндош массивларида.

29 сентябрь соат 9.00 дан 30 сентябрь соат 9.00 гача — А. Икромов районининг Чилонзор массивларида;

30 сентябрь соат 9.00 дан 1 октябрь соат 9.00 гача — М. Турғунбоева, Ойбек, Батумский, Миртемир ва унга ёндош кўчаларда;

СЕРГЕЛИ РАЙОНИ БЎЙИЧА

1 октябрь соат 9.00 дан 2 октябрь соат 9.00 гача— Чилонзор районига кирувчи Чилонзор массивларида

СОВУҚ СУВ БОСИМИ КАМАЙТИРИЛАДИ

Сув бормаган ерларга автомобилларда сув етказиб берилади.

«ВОДОКАНАЛ» трести (телефон 33-15-95).

ТОШКЕНТ РАДИОТЕХНИКА ТЕХНИКУМИ КЕЧКИ БЎЛИМГА

10-синфни битирганлардан қуйидаги мутахассисликлар бўйича ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

«Радиоашаратсозлик», «Микроэлектроника қурилмаларини ишлаб чиқариш», «Металларга кесиб ишлов бериш».

Техникум адреси: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 20-квартал, Пограничная кўчаси, 52-уй.

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов районидаги 62-кечки ўрта мактаб томонидан Набиев Шухрат Муратович номига берилган В-434114 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

43-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 1-3 йил.

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича малакали ишчилар тайёрлайди: БЎЁҚЧИ ВА СУВОҚЧИЛАР, ДУРАДГОРЛАР, ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИЛАР, КОНСТРУКТОР-МОНТАЖЧИЛАР.

БИЛИМ ЮРТИГА 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини битирганлар ўзлари тайлаган мутахассисликлари билан бирга ўрта маълумот тўғрисида аттестат ҳам оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирган ўқувчилар техникум ва олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма оладилар ҳамда имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Ўқишга қабул қилинганлар кунига 3 маҳал бепул овқат, формали ва махсус кийимлар билан таъминланадилар.

10-синфни битирганлар ҳар ойда 30 сўмдан стипендия оладилар.

Бу ердан ташқари ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасида ишлаган ҳақларининг 50 процентини мукофот тариқасида оладилар.

Билим юрти қошида танлаган касблари бўйича тўгараклар мунтазам равишда иш олиб боради.

Ўқувчилар ёзги каникулни Чимёнда жойлашган лагерда ўтказишлари мумкин.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: билим юрти директори номига ариза, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги ҳужжат, маълумоти ҳақидаги шаҳодатнома, турар жойидан справка, соғлиғи ҳақидаги справка, 3х4 см. ҳажмида 4 дона фотосурат.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (дам олиш кунидан ташқари) СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, 7-квартал (25, 28, 29-трамвайларнинг охирги бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармасининг

16-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1987-1988 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТУҚУВЧИ, ЙИГИРУВЧИ, ПИЛИКЛОВЧИ, ҚАЛАВАЛОВЧИ,

Ўқиш муддати — 1 — 3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўрта маълумот билан ўқишга кирганларга ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади. 8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 процента тўланади.

Билим юртини битирганларга касб эгаллаганлиги ҳамда ўрта маълумот олганлиги тўғрисида диплом берилади.

Билим юртини яхши баҳолар билан битирган ўқувчиларга ўрта махсус ва олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма берилади.

Ўқиш муддати иш стажига киради.

Машғулотлар яхши жиҳозланган кабинетларда олиб борилади. Билим юртида спорт секциялари, бадиий ҳаваскорлик, бичиш-тикиш тўгараклари мунтазам ишлайди.

Тўқимачилик комбинатида ўқувчилар бўш вақтни маройли ўтказишлари, дам олишлари ва соғлиқларини мустаҳкамлашлари учун ҳамма шароитлар яратилган. Корхонада санъат саройи, профилакторий, дам олиш зонаси ва кечки техникум бор.

Ўқувчилар ётоқхона билан таъминланади.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат, таржимаи ҳоли, характеристика, 3х4 см ҳажмидаги 6 дона фотосурат, 286 формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка.

Билим юрти адреси: 700100, Тошкент шаҳри, Фрунзе районы, А. Қаҳҳор кўчаси, 34-уй (2, 3, 32, 80, 97-автобусларнинг «16-Билим юрти» бекати).

Денгиз ва дарёлар неъмати—

БАЛИҚНИ БЕЖИЗ ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ ДЕЙИШМАЙДИ. УНДА ВИТАМИНЛАР, МОЙЛАР ВА ОҚСИЛЛАР НИҲОЯТДА КЎП, УЛАРНИ ОРГАНИЗМ ТЕЗ ҲАЗМ ҚИЛАДИ.

БАЛИҚ УЙДАГИ ОВҚАТНИ ХИЛМА-ХИЛ ҚИЛИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ: Ў МАЗАЛИ, ТЎЙИМЛИ ВА ФОЙДАЛИДИР.

Балиқни иссиқ ва совуқ ҳолда ҳам, турли гарнирлар — қовурилган ва қайнатилган картошкалар, сархил ёки тузланган сабзавотлар билан истеъмол қилса бўлади. Агар сиз майонез, зиравор, шивит ва кашнич қўшсангиз балиқдан тайёрланган таом янада мазали ва хушхўр бўлади.

Балиқдан тайёрлаш мумкин бўлган таомлар хилини санаб тугатиш қийин. Пазандаларнинг бу соҳадаги имкониятлари чексиз: устига сардак солинган балиқ, қиймали балиқ, қовурилган балиқ ҳар қандай дастурхонни безайди.

СИЗЛАРГА ҚУЙИДАГИ РЕЦЕПТЛАРНИ ТАВСИЯ ЭТАМИЗ:

РУСЧА ТОБЛАБ ПИШИРИЛГАН ЗОҒОРАБАЛИҚ

Тозаланган балиқни бўлаклаб тузлаш, озгина қалампир сепиб, унга босиб олиш керак; пиёзни майда тўғраб, ўсимлик ёғида енгилгина қовуриб олинади. Сўнгра балиқни товага солиб, устига қовурилган пиёз солинади, ўсимлик ёғидан озгина қуйиб, духовкада 20 минут давомида тоблаш керак.

Масаллиқ — 750 грамм балиққа 1-2 бош пиёз, 1-3 ош қошиғида ўсимлик ёғи.

ДЎНГПЕШОНА БАЛИҚДАН КОТЛЕТ

Масаллиқ — балиқ 1 кг. (ёки балиқ гўшти 0,5 кг), оқ нон — 2 бурда, сут — 100 г. пиёз —150г., тухум 1 дона, бугдой уни ёки булаш учун ишлатиладиган қотган нон талқони — 80 г., ўсимлик ёғи — 120 г., сариёғ—5 г., таъбга қараб майдаланган қора мурч ва туз.

Балиқ гўшти, сутга ботириб олинган оқ нон, пиёзни гўшт қиймалагичдан ўтказиш керак. Сўнг тухум, мурч, туз қўшиб қоришмадан котлет ясаб, булаб олиш ва қовуриш керак.



Дастурхонга қўйишдан олдин котлетнинг устига эритилган сариёғ қуйиш, тайёр овқатни кўк пиёз ва кашнич билан безаш лозим.

ТИРИК БАЛИҚЛАРНИ СИЗ СЕРГЕЛИ РАЙПИШЧЕТОРГИГА ҚАРАШЛИ ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАРДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН:

1-магазин — Спутник, Марказ-3, 1-уй.
2-«Феруза» магазини — Спутник, 6-квартал, 39-уй;
4-магазин — Спутник, 16-квартал, 53-уй.

СЕРГЕЛИ РАЙПИШЧЕТОРГИ.

Ташқарида куз

ҲАВО ҲАЛИ ОЧИҚ, КУНЛАР ИССИҚ БЎЛСА ҲАМ, СИЗГА ПЛАШЧ ВА МАВСУМИЙ ПАЛЬТО КЕРАК БЎЛАДИГАН КУН УЗОҚ ЭМАС.

«ТОШКЕНТ» САВДО ФИРМАСИГА ҚАРАШЛИ СОВҒА МАГАЗИНЛАРИДА КУЗБОП МОДАЛИ КИЙИМЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ МУМКИН.

ЁШ АЁЛЛАР УЧУН ПАЛЬТО — ранги қизил, тугмаси кнопкали, 44-46 размерли, баҳоси — 92 сўм.

ЕНГИЛ ПАЛЬТО — ошланмаган чармдан безак бериб тикилган, кул ранг, 48-50 размерлар, баҳоси — 200 сўм.

АЁЛЛАР ПЛАШЧИ — жигарранг, сариғиш рангларда, 44-50 размерлар, баҳоси — 84 сўм; қора рангли, классик бичимда тикилгани 48-50 размерлар.

ҚИЗЛАР УЧУН ЕНГИЛ ПАЛЬТО — турли рангларда, 32-40 размерлар, баҳоси — 29 сўмдан 35 сўмгача.

ЭРКАКЛАР ҚУРТКАСИ — ёшлар учун, плашчбоп матодан тикилган, кулранг, турли размерлари бор.

НИМЧАЛИ ЭРКАКЛАР КОСТЮМИ — сариғиш рангда, 48-50 размерлар, баҳоси — 109 сўм, 54-размернинг баҳоси 118 сўм.

МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

8-магазин — Олмазор массиви, 6 ва 7-уй (метронинг «Халқлар дўстлиги» станцияси);
16-магазин (Луначарский шоссеси, 123-уй (16, 24, 63-автобусларнинг, Севастополь бекати):
12-магазин — Чилонзор, 5-квартал, 5-уй (метронинг «Ҳамза» станцияси).

«ТОШКЕНТ» САВДО ФИРМАСИ.

— ТРАМВАЙГА ЧИҚИБ, ЙЎЛ ҲАҚИНИ ТЎЛАМАСЛИК МУМКИНМИ?

— ҲЕЧ ҚАЧОН!

Агар ўз вақтида абонемент билетлари сотиб олишни унутмасангиз, шаҳар транспортида ҳеч қачон мушкул аҳволга тушиб қолмайсиз.

Абонемент трамвай, троллейбус ва автобусларда юриш ҳуқуқини беради.

Абонементларни транспортнинг сўнгги ва катта бекатларидаги диспетчерлик хоналаридан, махсус киоскалардан, шунингдек савдо тармоқларидан

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.



«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Узбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58-85; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Р—13005. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Б.-2469. Тиражи — 75.000. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.